БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

1990 йил 21 апрель Шанба

№ 77 (13.513). Баҳоси 3 тийин.

ЛЕНИН ҲАМИША БАРҲАЁТ

МОСКВА

Қайта қуриш бизга Октябрь йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинни тағин ҳам яқинлаштирди. Биз ўзгартишларнинг қандай бораётганлигини Лениннинг чуқур фикрлари билан текширмоқдамиз. Лениннинг ўлмас асарлари бизни ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам холис баҳолашга, инқилобни яна давом эттириш учун зарур сабоқ чиқариб олишга ўргатади. «Ҳозирги пайт» бизни буюк мутафаккир ва инсоннинг асарлари ва маслаҳатларига қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур этмоқда.

20 апрель куни Москвада ССР Иттифоқининг Большой театрида В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу ерда пойтахт ва Москва вилояти меҳнат коллективларининг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, халқ депутатлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучлари жангчилари, Ленин партияси ветеранлари тўпландилар. Чет эллик дипломатлар, хорижий меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Тантанали йиғилишда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, Ю. Д. Маслюков, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов**, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари ва палаталарининг раислари, СССР Федерация кенгашининг ва Президентлик кенгашининг аъзолари, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети комитетларининг ҳамда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети комиссияларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Тантанали йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг аъзоси **Ю. А. Прокофьев** очди.

Совет Иттифоқи гимни янгради.

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачевнинг** «Ленин ҳақида сўзи» зўр эътибор билан тингланди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ билан «Байналмилал»ни куйлайдилар.

Сўнгра катта байрам концерти бўлди.

(ТАСС).



ТОШКЕНТ

Совет халқи Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 120 йиллигини нишонламоқда. Социализм ҳақидаги, жамиятимизни янгилаш йўллари ҳақидаги замонавий тасаввурларнинг асосий манбаларидан бири Лениннинг ниҳоятда бой ижодий меросида жамулжам бўлган. Пролетариат доҳийси Октябрь революциясидан сўнг ўтган атиги бир неча йил ичида яратган асарларида унинг тафаккури ўз аҳамияти жиҳатдан жуда катта — анъанавий марксистик тасаввурлардан социализмнинг характери, табиати ва бутун қиёфасини мушоҳада этишда инқилобий янгилаш тўғрисидаги тасаввурларгача бўлган йўлни босиб ўтди. Ленин ғоялари бугунги кунда ҳам долзарбдир.

20 апрель куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. А. Навоий номли театрда партия ва турмуш ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда қатнашган кишилар, зиёлиларнинг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари, Қизил Байроқ Орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари тўпландилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов доклад қилди.

Йиғилишда Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида катта ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги таъкидланди. Марксизм-ленинизм асосчилари таърифлаган социализм идеалларининг чуқур илдизлари бор, бу идеаллар оддий меҳнаткаш инсоннинг яхши турмуш ва ижтимоий адолат ҳусусидаги орзу-ўйларини ифодалайди.

Иқтисодиётсиз сиёсат йўқ — Владимир Ильичнинг бу фикри бугунги кунда ҳам адолатли тарзда янграмоқда. В. И. Ленин социализмда меҳнаткашларнинг иқтисодий фаоллигини ривожлантириш масалаларига жуда катта аҳамият берган. Революция доҳийси ўз асарларида кооперацияни турли шаклларда ривожлантиришга катта эътибор берган ва унинг ниҳоятда катта имкониятларини таъкидлаган, мулк шаклларининг кўп бўлиши, уларнинг ўзаро мусобақа қилишлари мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида гапирган. Айни вақтда у иқтисодий усулларнинг маъмурий усуллардан афзаллигини чуқур тушунган. У ишлаб чиқариш раҳбарлари олдига катта вазифалар қўйган. Бу меҳнатни илмий ташкил этиш ва хўжалик ҳисобини жорий қилиш, марказлаштиришни жойлардаги ташаббус билан уйғунлаштириш, шахсий манфаатдорликдир. Владимир Ильичнинг фикрича, булар ишлаб чиқаришни юксалтириши керак. У тижорат муносабатлари ва савдога совет, хўжалик ходимларининг асосий вазифаларидан бири сифатида қараган.

Бугун республикамизда инвестиция сиёсатини, ишлаб чиқариш структураси ва маданиятини ўзгартириш, халқ хўжалигини ривожлантиришга оқилона устунликларни белгилаш, иқтисодиётни аҳоли эҳтиёжига буриб юбориш учун кўп иш қилинмоқда.

Лекин бу ижобий силжишлар жуда суст бўляпти ва ҳозирча амалий натижа бермаяпти. Бунинг устига молия-хўжалик механизмининг умумий номутаносиблиги туфайли иқтисодиётнинг айрим соҳаларида ривожланиш суръатлари пасаётганлиги кузатилмоқда, аҳолини иш билан таъминлашдаги кескинлик сақланиб қолмоқда, ижтимоий меҳнат самарадорлиги пасайди, ижтимоий йўсинда-ги кўп масалалар ҳал этилмаяпти, нархнинг қимматлашиши ва пулнинг қадрсизланиши тўхтатилгани йўқ, аграр секторда яхшиланиш сари сезиларли ўзгаришларга эришилмади. Юзага келган вазият — социализмнинг ленинча принципларидан чекиниш натижасидир ва ҳозир мамлакатни чуқур тангликдан олиб чиқиш, халқ хўжалиги комплекси барча бўғинларини мустаҳкамлаш, республика суверенитетини аниқ равишда мазмун билан бойитиш, ҳар биримизнинг ҳаётимизни бахтлироқ қилиш учун имкони бор ҳамма ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда социализмнинг ленинча концепцияси миллий масалани ҳал этишдан ва маданий революциянинг амалга оширилишидан ажралмаслиги таъкидланди. Владимир Ильич миллий масала ишчилар масаласининг бир қисми эканлигини таъкидлаган эди, шу боисдан синфий кураш ва синфий бирдамликнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммоларини ҳал этиш масаланинг моҳиятини олдиндан белгилаб беради.

Бугун миллий маданиятни тиклаш учун кўп иш қилинмоқда. Маданият Ленин тушунчасида чинакам кенг қамровли, чуқур маънавий ва инсоний ҳодисадир. У тор миллий доирага сиғмайди, балки инсониятнинг дунёга, жамиятга ва ўз-ўзига муносабатининг барча жиҳатларини қамраб олади: энг оддий ахлоқ нормаларига риоя этиш ҳамда табиатга, тарих ва маданият ёдгорликларига авайлаб-асраб муносабатда бўлишдан тортиб, сиёсий маданиятни, меҳнат ва турмуш ташкил этишнинг илғор шаклларини, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини эгаллаб олишни ўз ичига олади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретарлари Р. А. Попов, Ж. Х. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. М. Мирсаидов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков иштирок этдилар.

* * *

Ўзбекистон санъат усталари концерт кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

Халқ фаровонлигига қаратилган иқтисодиёт учун

18 апрель куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида ўтган СССР Федерация кенгаши билан Президентлик кенгашининг қўшма мажлисида мамлакат иқтисодиётини бошқариб туриладиган бозор хўжалиги изга ўтказиш имкониятлари ва йўллари муҳокамаси давом эттирилди.

Мажлисида Н. И. Дементей, К. М. Маҳкамов, В. В. Бакатин, Е. М. Примаков, И. А. Каримов, Э. А. Шеварднадзе, В. С. Шевченко, Н. И. Рижков, А. М. Масалиев, В. И. Воротников, В. А. Крючков, Г. Г. Гумбаридзе, Ч. Т. Айтматов, С. С. Шаталин, А. Н. Яковлев, В. Г. Распутин, А. И. Лукьянов, С. А. Ситарян, Г. И. Ревенко, Г. А. Арбатов, Ю. Д. Маслюков, И. Д. Лаптев сўзга чиқдилар.

М. С. Горбачев муҳокамага якун ясаб, шундай деди:

Бўлиб ўтган мунозара мамнуният ҳиссини уйғотди. Бу мунозара назаримда, мамлакатдаги вазиятни ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлларини реал баҳолаш, иш истиқболларини аниқроқ тасаввур қилиш имконини берди.

Мен бу ерда сўзга чиққан кишиларнинг тараққиётимизнинг туб масаласини муҳокама қилаяпмиз, деган фикрга тўла қўшиламан. Гап Октябрдан кейин содир бўлган энг катта бурилиш тўғрисида бормоқда. Бу ишни биз жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, совет кишиларининг турмуш шароитини яхшилаш йўлида амалга оширмоқдамиз.

Тўғри, ана шу ўтишнинг ўзи осон эмас, у аҳоли турли табақаларининг аҳволига дахл қилади. Шунинг учун ҳам бошқариб туриладиган бозорга ўтиш концепцияси пухта ишлаб чиқилиши, аниқ программага айланиши керак. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш, халққа тушунарли бўладиган қатъий ижтимоий қафолатлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур.

Бундан ташқари ана шу кафолатларни, бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида меҳнаткашлар кўриши мумкин бўлган зарарни қоплашга қодир бўлган қарама-қарши тадбирлар механизми ишлаб чиқилмай туриб, бундай программа мутлақо жорий этилиши мумкин эмас. Мен ана шу позицияда қатъий турибман.

Аммо, келинг, бугунги иқтисодий вазиятни ўзгартира оламизми, деб ўзимизга савол берайлик. Афтидан, ҳаммамиз бир жойда депсиниб қолиш, туб иқтисодий ислоҳот йўлидан олға бормаслик мумкин эмас, деган фикрга қўшилсак керак.

Бошқарилиб туриладиган бозор хўжалигига ўтиш концепциямиз танлаган йўлимизга, инсонпарвар, демократик социализм сари ҳаракатга мутлақо мос келади. Мазкур концепцияни илгари суриб, биз ўз тараққиётимиз йўналишларини ўзгартирмаймиз. Аммо биз социализм тўғрисидаги тушунчамизни ривожлантирамиз ва чуқурлаштирамиз, социалистик жамият тўғрисидаги кўпгина тасаввурларимизни кескин ўзгартирамиз.

Биз сусткашлик ва иккиланишга йўл қўймаслигимиз керак. Лекин бошқа жиҳат ҳам шу қадар шубҳасиздир. Бошқариладиган бозор иқтисодиётига бориш йўлида биз ана шу йўналишда қўйиладиган ҳар бир қадамимиз оқибатларини яхшилаб ўйлаб, бир қанча босқичларни босиб ўтишимизга, аҳолини, айниқса, унинг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли дастурини ишлаб чиқишимизга тўғри келади.

Иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришни режалаштириб, биз жамиятимизнинг ҳақиқий ҳолатини эътиборга олишимиз керак. Ислоҳотлар программаси миллионлаб совет кишилари томонидан қўллаб-қувватланиб, уларнинг манфаатларига жавоб берган тақдирдагина у муваффақиятга эришишига умид қилиш мумкин.

Шу муносабат билан маънавий-руҳий омилларни ҳам эътиборга олиш зарур. Неча ўн йиллар мобайнида совет кишиларини уларнинг барча муаммолари ҳал этилиши бошлиқларга, энг аввало олий ҳокимиятга боғлиқ, деб ўргатиб келишган. Мамлакат раҳбарияти зиммасига барча ишлар учун — уй-жой етишмовчилигидан тортиб маҳаллий қишлоқ магазинида мих йўқлигигача бўлган муаммолар учун масъулият юкланади. Одамларимиз психологиясида ўз аксини топган ялпи текисчиликка, ташаббуссизликка ва тайёрга айёрликка интилиш каби ҳолатлар шу билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлатимизнинг федератив структурасини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги туб регионал тафовутларни назарда тутиш зарур. Аҳолининг турмуш даражаси ва манфаатлари ҳамиша ҳам мос келавермайди.

Бироқ, белгиланган ислоҳотларни амалга оширишни қийинлаштирадиган омилларгагина эътиборни қаратиш нотўғри бўлур эди. Мамлакатимиз жуда катта иқтисодий имкониятга, бой табиий ресурсларга, саводли ва билимдон халққа, ривожланган илм-фанга эга. Буларнинг ҳаммаси муваффақият учун замин яратади.

Биз иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш программасини ишлаб чиқар эканмиз, уни рўёбга чиқариш усуллари тўғрисида жиддий ўйлашимиз, ушбу программа, шунингдек унинг айрим қисмлари билан биргаликда бошқарув системасини аниқ-пухта ишлаб чиқишимиз зарур. Бунинг учун СССР халқ депутатларининг иккинчи Съезди тасдиқлаган тадбирлар системасини бажариш борасидаги муваффақиятсизликлардан хулоса чиқаришимиз, белгиланган тадбирларни янада чуқур илмий ишлаб чиқиш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз, иқтисодчи олимлар, хўжалик раҳбарлари, республикалар, ҳокимият маҳаллий органларининг вакиллари билан кўпроқ маслаҳатлашишимиз керак. Хуллас, катта тайёргарлик ишларини амалга ошириш, бошқариладиган бозорга ўтиш босқичларини аниқ-пухта тушуниб олиш лозим.

Барча соҳаларда олға томон ҳаракат қилиш даркор: ер ислоҳотини қатъият билан амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммосини ҳал этиш, жамиятдаги кайфиятни ўзгартириш зарурлигини ҳисобга олиш керак. Биз иқтисодиётни ва айниқса, истеъмол бозорини, жумладан, пулнинг қадрсизлигига қарши чораларни барқарорлаштириш, давлат бюджети камомадини қисқартириш соҳасида келгуси йилга мўлжалланган барча тадбирларни бажаришимиз лозим. Шу билан бирга уларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида қайғуриш: белгиланадиган тадбирларни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий вазиятни вужудга келтирадиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишимиз даркор.

Ва ниҳоят, биз қайта қуриш муваффақиятидан манфаатдор бўлган барча кучларни бирлаштирмай туриб, олдимизда турган муаммоларни ҳал эта олмаймиз. Бу кучларни шунчаки расмий бирлаштириш эмас. Биз меҳнат коллективлари, жамиятимиз турли табақаларининг, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан арбоблари билан кенг маслаҳатлашиб олиш орқали қўшимча равишда шу ғоят муҳим программани узил-кесил ишлаб чиқишга ёрдам берадиган янги ғояларга эга бўлишимиз зарур.

Хуллас, биз анчагина ишларни амалга оширишимиз: иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасида ҳукумат белгилаган тадбирларни рўёбга чиқаришимиз, айни пайтда бозор сиёсатига ўтиш программасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказишимиз, шу мақсадда қонун ҳужжатлари, президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари мажмуасини тайёрлашимиз ва қабул қилишимиз, уларни изчил амалга оширишга киришишимиз лозим.

(ТАСС).

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ

Зюкин Владимир Михайлович



ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби. 1954 йил Пермь вилоятидаги Березники шаҳрида туғилган. Миллати рус, 1976 йилда Брянск транспорт машинасозлиги институтини тугатган. 1978 йилдан бери КПСС, 1968 йилдан бери ВЛКСМ аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1976 йилда Хабаровск ўлкасидаги Комсомол ноҳиясида «Комсомольсклес» бирлашмасининг Снежний ўрмон саноати хўжалиги механиклари бригадири вазифасида бошлаган.

1978 йилдан бери ишдан озод қилинган комсомол ходими: ВЛКСМ Комсомольск ноҳия қўмитасининг комсомол ташкилотлари бўлими мудири; иккинчи ва биринчи котиби; ВЛКСМ Хабаровск ўлка қўмитасининг ишчи ва қишлоқ ёшлари бўлими мудири, иккинчи ва биринчи котиби лавозимларида ишлаган. 1987 йилда ВЛКСМ МҚ ташкилий бўлими мудирлигига тасдиқланган, 1989 йил мартида ВЛКСМ МҚ котиби, 1990 йил 19 апрелда эса ВЛКСМ МҚ нинг биринчи котиби этиб сайланди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комиссия раисининг ўринбосари Н. В. Ефимов бошқариб борди.

Марказий сайлов комиссияси 1990 йил 15 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари қайта сайлови якунларини кўриб чиқди. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 48- ва 53-моддаларига тўла мувофиқ равишда 37 та сайлов мавзесида қайта сайлов ўтказилди. 14 мавзеда халқ депутатлари сайланди.

Ҳар бирида иккитадан кўп номзод овозга қўйилган 23 мавзеда номзодларнинг бирортаси ҳам сайланмади. бу мавзеларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ такрорий овоз бериш ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси мавзе сайлов комиссияларидан олинган протоколларни кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 49-моддасига асосан 14 та сайлов округидан сайланган барча Ўзбекистон ССР халқ депутатларини рўйхатга олди.

Марказий сайлов комиссияси мажлислар оралиғида граждалардан келган хатлар ва аризаларни ҳамда бошқа масалаларни кўриб чиқди.

БУГУН—БУТУНИТТИФОҚ ШАНБАЛИГИ КУНИ

ВИЛОЯТ маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Андижон тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасидан 210 киши 21 апрель кунги шанбаликда иштирок этади. Корхонанинг Лазокатхон Абдураҳмонова, Муножат Абдусаматова, Дилдора Раҳимова, Тошхон Жўраева сингари ёш чеварлари шу куни ҳар қачонгидан унумли меҳнат қилишга аҳд қилдилар.

Шанбаликдан тушган 600 сўмлик маблағнинг ҳаммаси касаба уюшмаси жамғармасига ўтказилади ва хайрия мақсадларига ишлатилади.

М. АБДУМАЕВ.

* * *

ИҚТИСОДИЙ ислоҳотнинг иккинчи босқичида ишлаётган Бухоро вилоятидаги Қоракўл пахта тозалаш заводи ишчилари ҳам шанбаликка пухта тайёргарлик билан келмоқдалар. 21 апрель куни завод касаба уюшмаси аъзолари ташаббуси билан ҳамма шанбаликка чиқади. Шу куни 15 тонна момиқ хом ашё олинади. Ундан ташқари корхона ҳудудида ва цехларда қалашиб ётган темир-терсаклардан 10 тоннаси йиғиштириб олиниб, керакли жойларга жўнатилади.

— Шанбаликдан ишлаб топилган маблағнинг юз фоизи завод касаба уюшмаси жамғармасида қолдирилади. Ундан ёш болали оналарга, кўп болали оилаларга, ва шунингдек, эътиборга муҳтож бошқа кишиларга ғамхўрлик мақсадларида фойдаланилади, — дейди завод директори Бобоқул Давлатов.

С. РАМАЗОНОВ.

* * *

СИРДАРЁДАГИ мактаб ва спорт жиҳозлари заводи жамоаси В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган шанбаликда фаол иштирок этишга аҳд қилишди. Шу куни 110 киши ўз иш жойларини эгаллайди ва 15 минг сўмлик турли хилдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Шанбалик давомида 40 та гимнастика мати, 38 та бир томонлама ва яна шунча икки томонлама китоб жавонлари, битта спорт мажмуаси тайёрланади, 300 туп мевали, 150 та манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

21 апрель куни ишлаб топилган 440 сўмлик маблағ завод касаба уюшмаси жамғармасида қолдирилади.

А. БУРЛИЕВ.
Сирдарё вилояти.

ЛЕНИННОМА

ЛЕНИН, ЁШЛАР, ҚАЙТА ҚУРИШ

Кўп йиллар мамлакатимизда қасамёд мисоли «Бизда ёшлар бахтиёр» деган таъриф такрорлаб келинди, унга камдан-кам одам шубҳа қилди. Эндиликда чамалаб кўрилиб баҳо бериладиган давр бошланди. Бир қатор тадқиқотчилар янги авлод ўзининг жамиятдан қаноатланмаган, ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолган, деб ҳисоблайдилар. Бунда ҳақиқат борлиги шубҳасиздир.

Ҳозир комсомолда тўпланиб қолган муаммоларни қунт билан таҳлил этиш бораётир. Яқинда М. С. Горбачев, мамлакатнинг бошқа раҳбарияти ВЛКСМ XXI съезди делегатлари билан бўлиб ўтган ўткир мулоқотда шу тўғрида ошкора гап борди. Ана шу учрашув ёшларимизнинг қиёфасини бир хил бўёқ билан чизиш мумкин эмаслигини яна бир карра исботлади. У маънавий қадриятларни сақлаб қолиш учун курашиш ва барча салбий ҳолатлар устида жиддий мушоҳада қилишни тақозо этади.

М. С. Горбачев ВЛКСМ съезди В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллиги арафасида очилаётганлиги тўғрисида гапириб таъкидладики, Владимир Ильич ҳайратланарли тарзда замондош, бунинг аксини кўрсатишга уринаётганларга ишонмаслик керак. Биз турмушнинг барча саволларига жавоб бера оладиган назариётчи, муайян мақсад сари ҳамиша дадил бора оладиган сиёсатчи Ленин қиёфасини маълум даражада соддалаштиришни рад этамиз. Ленинизмнинг жўшқинлиги зўравонликда эмас, балки бунёдкорликдадир. Ленин бизга фуқаролар урушини эмас, фуқаролар осойишталиги ғоясини, парокандаликни эмас, бирдамликни васият қилган.

М. С. Горбачев делегатлар билан учрашувда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, биз Ленин асарларига чинакамига кириб боришимиз лозим. Улар орасида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш муаммолари алоҳида ўрин эгаллайди.

В. И. Ленинниг Россия Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг III Бутун Россия съездида 1920 йил 2 октябрда сўзлаган тарихий нутқида ёшларнинг вазифалари ғоят батафсил ва ҳар жиҳатдан баён қилиб берилган. В. И. Ленин съезд делегатлари ҳузурида нутқ сўзлаб айтгандики, айни ёшлар коммунистик жамият қуриш вазифасини ҳал этиши лозим бўлади. Бунинг учун уни ўз таълимотини тубдан қайта ўзгартириш, ташкил этиш ва тарбиялаш [illegible]. Ҳамма ёшлар коммунизмни ўрганиши керак — партия ва инқилоб доҳийсининг муҳим васияти ана шундан иборат бўлган.

Ленин тажрибасида ёшлар олдида юзага келиши мумкин бўлган бир қатор хавфларни, шунингдек, бу вазифани бир томонлама ва нотўғри тушунишларнинг асосли тарзда баён қилиб берди. Коммунизмни ўрганиш — коммунистик дарсликлар, брошюралар ва асарларда баён этилган билимлардан ҳаммасини билиб олиш, деган фикрдангина иборат бўлиб қолмаслиги зарур. Бу ҳолда ғоят осонлик билан коммунистик қироатхонлар ёхуд мақтанчоқларни, олинган билимларни [illegible]

В. И. Ленин қуруқ таълим, [illegible] мактабни қаттиқ танқид қилиб, ёшларни билим эгаллашга ҳурматсизлик, устига-устак енгил муносабатда бўлишдан огоҳлантиради. У инсоният томонидан яратилган билимларнинг барча бойликларини танқидий мушоҳада қилиш, амалий ўзлаштириб олиш, моҳирона қўллашдек жиддий, қийин, қунт билан иш олиб боришга қатъий даъват этади.

В. И. Ленин ёшларни ишлашни ўрганишга, билимларни эгаллаб олишга чақиради. У таълим бериб айтадики, социалистик қурилиш вазифаларини фақат ҳозирги замон билимларининг ҳаммасини эгаллаб олиш, коммунизмни тайёр ривожланган формулалар, маслаҳатлар, йўл-йўриқлар, ҳаракатномалардан бевосита ишни бирлаштирадиган жонли нарсага айлантиргандагина ҳал этиш мумкин. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, инсоният яратган барча бойликларни билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин. Бу совет ёшларининг барча авлодлари учун ниҳоят катта аҳамиятга моликдир. Совет мактаби таълимни ёш авлоднинг унумли меҳнат қилиши билан қўшмасдан туриб, бўлажак жамият идеалини ўзида тасаввур қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги Ленин қоидаларидан келиб чиқади. Ёш авлодга политехник таълим бериш ленинча режаси аниқ тарихий шарт-шароитларни ҳисобга олишга асосланган. Халқ таълимининг социалистик системаси тарихан қисқа муддатда Коммунистик партия мамлакатда кўлами ва теранлиги жиҳатдан кўрилмаган маданий инқилобни амалга оширишини, меҳнаткашлар миллионлаб оммасини нодонлик ва қабоҳат зулматидан маънавий ҳаётга, ёруғликка ва билимга олиб чиқишида қудратли омил бўлди.

В. И. Ленин, нимаики маданиятга, турмушга, хулқ-атворга кирган бўлса, шуни бунёдкорлик меҳнатида, мафкуравий ишда ва тарбияда эришилган муваффақият қаторига киритиш лозимлигини кўрсатиб ўтган эди. У онгли меҳнат хулқ-атворга ва одатда воқеликка айланиши қонуниятини аниклаган. Унинг моҳияти шундан иборатки, белгилаб қўйилган тартиблардан ўзини оқламаган бирон-бир оғишларга йўл қўймаган ҳолда раҳбарлар (тарбиячилар, жамоатчилик) томонидан аниқ ташкилий ҳамда қатъий назорат амалга оширилган тақдирда кишиларнинг фаол мустақил фаолияти жараёнида хулқ-атворга, онгли муносабат одатига айланади. Кишида шаклланадиган одатлар кундалик хулқ-атвор қобилиятига айлана бориб, аста-секин уйғунлашади. Бу қобилият — одатларнинг ўз-ўзидан умумий йиғиндиси бўлмай, балки яхлит, мураккаб шаклланиши, эътиқод пайдо бўлишининг интеграл шакли бўлиб, инсон томонидан кўрсатиладиган фаолият кўп жиҳатдан характерлаб беради. Кундалик турмушда хулқ-атвор тарзи бир пайтнинг ўзида унинг ҳаётий позицияси намоён бўлишининг муҳим шаклларидан бири бўлади.

В. И. Ленин асарларида кишиларнинг маънавий камолоти манбалари теран ва атрофлича таҳлил этиб берилган. Бунга аввало кундалик турмуш, омманинг амалий ижтимоий меҳнат фаолияти киради. «Кўпчилик кишилар, — деб таъкидлайди Владимир Ильич, — ўз эътиқодини ҳаётдан оладилар...» В. И. Ленин ўзининг инқилобий фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ ёзган эдики, ҳеч қандай сиёсий тарбия сиёсий кураш ва сиёсий ҳаракатлардан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Оммани ҳақиқий тарбиялаш омманинг инқилобий курашидан алоҳида бўлиши мумкин эмас. Фақат курашгина, — деб кўрсатиб ўтган эди В. И. Ленин, — эксплуатация қилинаётган синфни тарбиялайди, фақат кураш унга куч-қудрати меъёрини очиб беради, унинг дунёқарашини кенгайтиради, унинг қобилиятини ўстиради, унинг ақл-заковатини аниқлайди, иродасини тоблайди. В. И. Ленин Октябрь ғалабасидан сўнг ишлаб чиқариш фаолиятининг тарбиявий йўналишларини таҳлил этишга катта эътибор беради. Комсомол III съездида сўзлаган нутқида у «ёшларни ҳар бир қадамини [illegible] эксплуататор синфга қарши меҳнаткашлар кураши билан боғлашга [illegible] нинг бир бўлагиман ва ўз турмушимни... ўзим қура оламан, коммунистик тартиб ўрната оламан, — деб қарасин. Коммунистик Ёшлар Союзи ҳаммани ёш чоғидан бошлаб онгли ва интизомли меҳнат билан тарбиялаши керак».

В. И. Ленин Маркс ва Энгельснинг тарбия синфий моҳияти тўғрисидаги ғоясини ривожлантира бориб, янги кишини шакллантириш юзасидан партия бутун фаолиятининг асосига ана шу принципни қўяди, мазкур пайтда ижтимоий тараққиётнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қатъий ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди.

Синфий тарбиялаш ҳар бир кишида қобилият ва эҳтиёжни уйғун тарзда шакллантиришни, ишчилар синфининг манфаатлари илмий тушунчаси билан ижтимоий турмуш барча ҳодисаларини бирга кўриб чиқиш демак. Шу муносабат билан Лениннинг инқилобий назарияга душман бўлган ғоялар билан ҳамиша муросасиз бўлиш, ҳар қандай буржуазия мафкурасига, у қандай ҳолда ва кўринишда намоён бўлишидан қатъи назар, толмай кураш олиб бориш тўғрисидаги талабини эслатиб ўтиш муҳимдир.

В. И. Ленин ахлоқий ва маънавий илмий тушунишни ҳар жиҳатдан асослаб берди, уларнинг синфий мазмунини чуқур очиб берди: «Биз кишилик тушунчасида, синфий тушунчадан ташқари олинган ҳар қанақа... ахлоқни инкор қиламиз». Бизнинг ахлоқимиз синфий кураш манфаатларига тамоман бўйсунган, деймиз.

Социализм шароитида янги кишини камол топтириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. В. И. Ленин таъкидлаб айтадики, қанчалик чуқур қайта ўзгартиришларни амалга оширишни истасак, шунчалик унга бўлган онгли муносабатни кўтаришимиз, бунга заруратни янги ва янги миллионлаб ва ўн миллионлаб кишиларни ишонтиришимиз зарур.

Лениннинг ғоялари совет ёшларини руҳлантириб келмоқда. Ёшларнинг биографиясида шонли саҳифалар оз эмас: бу бунёдкорликнинг инқилобий романтизми, жанггоҳлардаги жасоратлар, ажойиб истеъдодларни қўллаб-қувватлашлар. Ўзбекистон ёшларининг жумҳурият тарихига битган ажойиб, ёрқин саҳифалари бор. Бу жумҳуриятимизда Совет ҳокимиятини ўрнатишда, босмачилар билан кураш олиб боришда, социалистик қайта ўзгартиришларни амалга оширишда партиямизга катта кўмак бердилар.

Ҳозир мамлакат ёшлар иттифоқи оғир даврни бошидан кечирмоқда. Унинг тақдирида жамиятимиздаги барча муаммолар ўзига хос жамланган. Буни талабаларнинг Бутуниттифоқ анжумани ҳам яққол кўрсатди. Ана шу муаммолар ВЛКСМ XXI съезди делегатларининг М. С. Горбачевга йўллашган ёзма саволларида ўткир қилиб қўйилди.

Михаил Сергеевич икки соатдан зиёд вақт давомида комсомолларнинг саволларига жавоб қайтарди. Барча совет кишилари сингари уларни қайта қуриш тақдири, партия XXVIII съездига тайёргарлик кўриш, истеъдодларни рағбатлантириш, «ақлларнинг кетиб қолиши», текстчиликнинг зарари, сиёсий эътироз билдирувчилар, экстремистларга бўлган муносабат тўлқинлантиради.

Ўз уйимизда хотиржамлик ҳукмрон бўлиши керак. Ҳозир бу ҳар бир кишини тўлқинлантиради. Биз «қочоқлар», «миллий низолар» деган сўзлардан, бир-биримиздан қандайдир экстремистик кайфиятлардан гумонсирашлар ва шубҳаланишлардан чарчадик. Михаил Сергеевич таъкидлаганидек, бизнинг жуда кўп яхши ниятларимиз бор. Биз ўнлаб йиллар мобайнида биргаликда яшаганмиз, ҳамкорлигимиз томирлари асрлар оша илдиз отиб келмоқда. Федерация янгиланаётган бир пайтда барча саволларга тўғри жавоб топа олишимиз муҳимдир. Ахир халқнинг бошқа халқлар билан муносабатлари ҳар жиҳатдан уйғун бўлмоғи, у ўзини хотиржам ҳис этмоғи керак. Агар бир дақиқа ана шуни унутсак, жар ёқасига бориб қулашимиз ҳеч гап эмас. Буни бугунги кунда барчамиз, биринчи навбатда ёшларимиз тўғри англаб етмоқлари керак.

Ёшларга муносабатда яхлит давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, айниқса, муҳимдир. Ижтимоий планда жамиятдаги бутун муҳит, давлат сиёсати ёш авлод ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга, бу имкониятларни ўстириш ва кўпайтиришга ёрдам бериши кераклигини М. С. Горбачев алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига, халқ таълими системасига, фан ва маданиятга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Мамлакат йигит-қизлари ҳаётга тайёргарлик кўриб қўшилишлари учун шароитлар яратишда дастлабки қадамлар қўйилди.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш — йигит ва қизларнинг ўз гражданлик бурчларини ҳалол бажаришларидан ажралмасдир. Истиқбол йўналишлари — бу демократик, инсонпарвар социализм. Совет ёшлари қайта қуриш муваффақиятидан ғоятда манфаатдорлар. Социализмни янгича юритиш Ленин томонидан асос солинган даражага етказишдир. Бу ёшлар инсоният томонидан яратилган бойликларни эгаллаб олишлари меҳнат ва ижтимоий фаолликнинг ранг-баранг жиҳатлари учун кенг йўл очиб беради. Социалистик Ватанимизнинг истиқболини ўз зиммасига олган авлод давр томонидан қўйилган мураккаб вазифаларни ҳал қилишни Лениндан ўрганади.

П. ҲАМДАМОВ,
тарих фанлари доктори.

Эртага—доҳиймиз

Владимир Ильич Ленин

туғилган кунга

120 йил тўлади

Волга бўйида

Волга — улуғвор дарё. У жануб томон оқади. Унга қарама-қарши ҳаракатдаги Свия дарёси анча кичик. Иккаласи бир-бирига яқин келган жойда эса Ульяновск шаҳри бор. Бу ердаги доҳиймиз В. И. Ленин туғилган оддийгина ёғоч уйдан одам аримайди.

Мали халқи оғзида шундай бир эртак юради: бир замонлар мамлакатни зулм дарахти қоплаб олган экан. Унинг соясида ҳеч нарса ўсмабди. Одамлар орасидан бир баҳодир чиқиб:

— Келинглар, дами қайтмас, ҳеч синмас бир болта ясаб, зулм дарахтини қўпориб ташлайлик! — дебди. Ҳамма рози бўлибди. Темирчилар ишга тушибди. Болғалар зарбидан юлдузлар титрабди. Ниҳоят болта ясалиб алпқомат йигит ўша дарахт илдизини очиб, уни чопаверибди... Баҳодирга сафдошлари ҳам қўшилган. Ниҳоят, атрофни гумбирлаган овоз тутиб кетади: зулм дарахти қулаб, мамлакат нурга чўлғанибди.


Мали халқи дастлаб Ленин номини эшитганда уни зулм дарахтини қулатиб, эртакни ҳақиқатга айлантирган баҳодир деб билган ва шунга ишора, доҳийга муҳаббатлари ифодаси сифатида Ленин уй-музейига нақшбанд ёғоч болта йўллаганлар.

Совғалар орасида ўзбекистонлик усталар Рўзибой Юнусов, Ражабхон Ҳайдаровларнинг 1923 йилда йўллаган курсилари ҳам бор.

Волгабўйи. Доҳий туғилган уй. Ўша меҳмонхона. Дастурхонли стол устига гуллар қўйилган. Айтишларича, бу уй остонасидан Ленинни ўрганишни ўзлари учун бахт деб билган одамларнинг қадамлари узилмайди.

Тўлқин ИЛҲОМОВ.





ИЛЬИЧ МУЗЕЙИДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Пойтахтга энди келган кезларим. Кундузи қурилишда ишлайман, кечқурунлари дорилфунунда ўқиш. Дам олиш кунлари эса Тошкентнинг манзарали жойларида сайру-томоша. Киноларни-ку, битта қолдирмай кўрардик. Шундай кунларнинг бирида қишлоқдан домлаларим келиб қолди.

«Бир доҳийни зиёрат қилсак», дейишди улар кетар чоғларида. Рости, оғриндим. Нега энди, театр ёки кино эмас, Ленин музейига.

Ўша куни Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали залларини узоқ айландик. Музейдан ташқарига чиққанимда, менда энди олдинги ўйлардан асар ҳам қолмаганди. Хижолат ҳам тортаётгандим. Хаёлан узоқ қишлоқдан келиб, менга «танбеҳ» берганлардан беҳад миннатдор эдим.

Ундан сўнг ҳам, анча сувлар оқиб ўтди. Бир неча бор доҳийни эсладим. Ҳар гал музей залларида бўлганимда ўша воқеа хаёлимдан ўтади. Редакция топшириғи билан Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига борганимда тағин у кунлар ёдимга тушди.

Қизиқ, нега ўшанда музейга бормай юрганман-а? Балки... Мактаб, йўқ, ҳатто боғча ёшидан бизга Ленин ҳақида, унинг ўлмас таълимоти хусусида ҳикоялар айтиб беришади. Кашшофлар сафига ўтаётганимизда ҳам Лениндек яшашга, ўқишга тантанали ваъда берамиз. Талабалик йилларида-ку, унинг асарларидан тинимсиз конспектлар ёздиришади. Мабодо ёзмасак, синов ёки имтиҳон ололмаслигимизни шаъма қилишади. Бундан шундай хулоса келиб чиқади, мажбурий. Инсон характери эса ғалати. Мажбурий нарсаларга интилмайди. Балки, ўшанда ҳам...

Қарабсизки, бу ишлар — Ленинни ўрганиш, унинг ғоялари билан яшаш юзаки бўлиб қолади. Балки, шунинг учун кишиларда турлича қарашлар пайдо бўлаётгандир, унга нисбатан.

Музей залларида бўлиб, яна бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Бу ерга аксарият гуруҳ-гуруҳ бўлиб келади. Ёлғиз ёки 2—3 кишини умуман, учратмайсиз.

— В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида доҳий ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи 20 мингдан ошиқ экспонат бор, — дейди унинг экскурсиялар бюроси мудири Фотима Мирраҳимбоева. — 12 нафар тарихчи-мутахассисимиз ташриф буюрганларга хизмат қилишади. Бугуннинг ўзидаёқ 1,5 мингдан ошиқ киши музейда бўлди. Улар орасида олий фирқа мактаби тингловчилари, Тошкент Давлат дорилфунуни, пойтахт енгил саноат ва тўқимачилик, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтлари талабалари, Қуйлиқдаги уйсозлар комбинати қурувчилари, Калинин ноҳиясидаги 8-, Янгийўлдаги 45-, Дўстлик (Сирдарё)даги 1-ҳамда пойтахтдаги 72-, 182-, 205-, 278-, 281-мактаб ўқувчилари бор. Сурайё Каримбекова, Собир Комилов, Гулпошша Эргахўжаева каби изоҳ берувчиларимиз меҳмонларга ўзбек, рус, инглиз, француз тилларида музей экспонатлари ҳақида гапириб берадилар.

Сайёҳлар ҳам музейга тез-тез келиб туришади. Улар орасида ажабланадиганлари ҳам бор. Яқинда ГДРдан келган сайёҳлар «Тошкентда Ленин музейи, у нега керак?» — деб қолишди. Биз уларга «Ленин ва Туркистон» мавзусида маъруза ўқидик. Сўнгра, узр сўраган бўлиб, тан олишди.

Музейда пролетариат доҳийси, фирқа йўлбошчиси ҳақида сўзланганда унинг инсонийлик томонларига алоҳида тўхталинади. «Ленин — раҳбар, ўрток, инсон» мавзусидаги маърузаларда доҳийнинг бу хислатлари қамраб олинган. Бу ердаги 20 дан ошиқ ҳужжатли фильм улуғ Ленин ҳақида сўзлайди.

Тўғри, бугун Ленин керакми, йўқми деган савол пайдо бўлмоқда. Бироқ, одамлар оқими ҳеч қачон тинган йўқ, филиалдан. Ҳар куни 2 минг атрофида кишилар унинг асарларини кўришга, ўрганишга келишмоқда. Яна бир марта мурожаат этишяпти, унга.

— В. И. Лениннинг 120 йиллиги арафасида 45 нафар фаол октябрятларимиз кашшофлар сафига қабул қилинди, — дейди Собир Раҳимов ноҳиясидаги 278-мактабнинг бош кашшофлар етакчиси Ирода Қосимова. — Бу тантананинг доҳий музейи филиалида ўтказилиши ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Жумҳуриятимиз фирқа ва комсомол ветерани Чиннихол ая Иброҳимова болалар бўйнига алвон галстук боғлаб қўйди. Ленин ҳақида, унинг ўлмас ишлари хусусида сўзлаб берди.

Доҳий ҳузуридан қайтаяпман-у, хаёлим тиниқлашган, ҳаётга тийран кўз билан қарай бошлагандайман. Сиз-чи, азиз муштарий, Владимир Ильич музейида бўлдингизми? Мабодо, улгурмаган бўлсангиз шошилинг! Ҳеч афсус чекмайсиз.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида.

МУАЛЛИФ суратга олган.



Нобель мукофотига номзод

Кейинги пайтда фирқа ва Совет ҳукуматининг асосчиси В. И. Ленин фаолиятига танқидий ёндашувчи мақолалар сони кўпаймоқда. Бу табиий бир ҳол, албатта. В. И. Лениннинг бутун машаққатли онгли ҳаёти, теран ақл-заковати К. Маркс ғояларини ривожлантириш, Россия салтанатида бўлиб ўтган уч буюк инқилоб, йўқсиллар диктатураси ўрнатилиши, социалистик жамият қурилишининг илмий-назарий ва иқтисодий асослари ҳақидаги назарияни ишлаб чиқиши билан бевосита боғлиқ бўлди.

Шунинг учун ҳам ҳозирги ижтимоий-сиёсий онг ва мафкуравий туб ўзгаришларни, Коммунистик фирқа фаолияти, тарихи ва социалистик жамият қурилишини янгича идрок қилишни Ленинсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ўз-ўзидан биринчи ўринда буюк Ленин қолдирган улкан ижтимоий-сиёсий ва адабий меросни қайта ва қайта, чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Аммо шунга қарамай, шошма-шошарлик билан Ленинга бир томонлама баҳо бериб, унинг нуфузини туширишга интилишлар сезилиб турибди. «Юность» журнали ўтган йили ўзининг 11-сонида Н. А. Бердяевнинг (1874-1948 йиллар) 1937 йил хорижда чоп этилган китобидан бир боб босди. Унда Лениннинг бутун фикри ва зикри империалистик ва золимликка қаратилганлиги, у бир томонлама дунёқарашни тарғиб қилганлиги, фирқа ички эркинлигини инкор этганлиги, бу эса бутун Россияда эркинликни бўғишга айланиб кетганлиги ҳақида антиқа фикрлар бор.

Албатта ошкоралик яхши. Бундан муштарийларнинг ўзи сўнгги хулосани чиқариб олишади. Аммо бу каби ўта сохта ошкораликдан эндигина демократик фикрларга ўрганаётган ёшлар қандай хулосага келишлари мумкин?!

Хўш, Н. А. Бердяевнинг ўзи ким бўлган? У Лениннинг ўсмирлик давридаги ашаддий мухолифларидан бири, диний файласуф, 90-йиллардаги ошкора марксизм фаоллари (буржуа марксистлари)дан бўлган, биринчи буржуа демократик инқилобидан сўнг худо изловчилар қаторига кирган. Марксизм ва коммунизмнинг асосий ғоявий душмани сифатида 1922 йилда хорижий элга чиқариб юборилган. Парижда «Путь» («Йўл») деб номланган диний-фалсафий журналга асос солади.

Тўғри, Ленинда душманга нисбатан шафқатсизлик кучли бўлган. Унинг Совет ҳукуматининг биринчи беш йиллигида ёзган асарлари ва кўрсатмаларида «судга берилсин», «қамоқхонада ушлаб турилсин», «аблаҳлар отиб ташлансин» каби ғазабли сўзлар кўп учрайди. Албатта, булар ўз тарихий муҳитига мос. Ленин ҳокимиятни қўлдан бой берган буржуазия қаршилиги, фуқаролар уруши бошланган ва 14 хорижий капиталистик давлатларнинг тажовузкорлиги уюштирилган бир пайтда фавқулодда чоралар қўллашга мажбур бўлганлигини эсдан чиқариш керак эмас.

В. И. Ленindаги ўзига хос хусусиятлардан бири хатони ўз вақтида тан олиш ва уни тезликда тўғрилашдан иборат бўлган. Бу ерда унинг фақат ишламаган одамгина хатоликка йўл қўймайди, деган ҳикматли сўзларини эслаш ўринли бўлади.

В. И. Ленин 1921 йили сиёсий-маърифат муассасаларининг иккинчи Бутун Россия қурултойидаги маърузасида биз «бир қанча ҳоллар таъсири билан тўғридан-тўғри коммунистик ишлаб чиқаришга ва тақсимотга ўтишга қарор қилиб хато иш қилган эдик», — деб таъкидлаган эди.

Энди муштарийлар диққатини ушбу мақоланинг сарлавҳасига қаратамиз. Бу маълумот шу вақтгача Ленин ҳақидаги бирорта китобга ёки унинг биографиясига кирмаган. Ҳатто, бундан Москвадаги Марказий Ленин музейи ва унинг жумҳуриятлардаги филиаллари ҳам бехабар.

Мана шу, 1918 йили В. И. Лениннинг номзоди Нобель мукофотига қўйилган ва бу мукофот унга берилмаганлиги ҳақидаги маълумотни бундан бир неча йил олдин жумҳуриятимиз рўзномалари ҳам босишдан чўчиган эди. Сабаб, Ленинга мукофот берилмаганлиги аниқ эди-да!

Истамбул дорилфунуни (Туркия) талаба ва муаллимлари Лениннинг инсоният олдидаги буюк хизматларини тақдирлаш ва унга ўзларининг бўлган катта ҳурмат ва эҳтиромини билдириш мақсадида халқаро Нобель мукофотига номзод қилиб Ленинни кўрсатадилар. Бу маълумотни биз дорилфунунимиз рўзномаси — «Халқ дорилфунуни»дан олдик. Уни қандай бўлса, шундайлигича муштарийларга ҳавола қиламиз:


«Истамбул дорилфунуни ва Ленин.


Ҳар йили дорилфунунлар тибрасида юрган Нобель мукофоти сайловлари бу йил Истамбул дорилфунунида бир қизиқарли ўтган. Ўқувчилар ва мударрисларнинг қатнаш-жуюнида (йиғинида — С. Х.) олмон (немис — С. Х.) мударрислари дунёда энг кўп сулҳга хизмат этган кишига берилувига тийиш ўлгон (лозим бўлган — С. Х.) бу мукофотни Велхелим ёки маршал Гендeнбургга берлувини талаб этганлар. Турк мударрислари обдирашда (таажжубда — С. Х.) — қолғондлар. Олмон мударрисларининг бу таклифини ўқувчилардан бириси Нобель мукофотининг тўрт йилдан бери давом этган сўғишнигина тугул (урушнигина эмас — С. Х.) ҳатто бутун дунёда иш билан капитал орасидаги курашнинг мангулик сулҳ билан битувина (тугатилишига — С. Х.) тришқой Россия. Шўролар Жумҳуриятининг Раиси ибдош (ўрток — С. Х.) Владимир Ленинга берилувини таклиф этган. Бу таклиф ўқувчилар тарафидан олқишлар бирла қабул этилиб, олмон мударрислари женгилган.

(А. Т.)»

Албатта В. И. Лениннинг бу нуфузли халқаро мукофотга тақдим этилиши учун ҳамма асослар бор эди. Лекин Нобель мукофоти қўмитаси бунга етарли даражада эътибор бермаганлиги таажжуб. Бу ерда буюк инсонпарвар, дунё илм-фани ва маданияти тараққиётига ҳозир ҳам катта ҳисса қўшиб келаётган марҳум Альфред Бернхард Нобель васиятига ҳам хиёнат қилинганлиги аниқ. У ўз васиятномасида қолдирган барча бойликларини тенг беш қисмга бўлиб, уларни физика, кимё, тиббиёт ривожига ҳамда халқларни бирлаштиришга, қулликни тугатишга, мавжуд армиялар сонини қисқартиришга ва халқаро тинчлик шартномалари тузишга беҳад катта ҳисса қўшган кишиларга берилишини ёзиб қолдирганлиги ҳозир бутун инсониятга маълум.

С. ХОЛБОЕВ,
тарих фанлари номзоди.





Илгари хабар қилганимиздек жумҳурият Ички ишлар вазирлиги муштарийлар билан телефон орқали мулоқот ўтказди. Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Р. РАҲИМОВ, ички хизмат полковниги Е. В. УСПЕНСКИЙ, бошқарма бошлиқлари милиция полковниги З. С. НАЖМИДДИНОВ, милиция майори С. А. ТАХТИН, бошқарма бошлиқлари ўринбосарлари ички хизмат полковниги М. П. ИВАНОВ, ички хизмат майори Ш. М. МАВЛОНОВлар фуқаролар саволларига жавоб беришди.





Осойишталик посбонларининг минг бир ташвиши

Ички ишлар вазирининг ўринбосари Ғ. Р. РАҲИМОВ жавоблари:

Чилонзор ноҳиясидан А. Усмонов: — Хонадонга ўғри тушганди. Чилонзор ноҳия ИИБдан Сафаров келиб кетди. Ашёвий далиллар ҳужжатлаштирилмасдан турибди. Участка инспекторини эса тополмадик.

— Худди шундай мазмундаги хабарни «Ўзбекбирлашув» ходими Е. Ивановдан ҳам олдик. Бу нимани кўрсатади? Бу бурчи халққа хизмат қилишни даъват этадиган ходимда оддий инсоф йўқлигини кўрсатади. Жиноят қидирув, тергов, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш хизмати бошқармалари мана шу икки фавқулодда ҳодиса юзасидан текшириш ўтказишади.

Бўка ноҳиясидан Б. Назаров: — Ғафур Раҳимович, кечирасиз-у, кейинги пайтда шундай учрашувларни кўп ўтказаяпсизлар, аммо унинг бирон-бир нафи борми!

— Ука, суҳбатимиз эндигина бошланди. Ҳафа бўлмасангиз саволингизга пича туриб ёки рўзнома орқали жавоб берсам. Нима дейсиз?

— Розиман. Лекин қўнғироқ қилишим қийинроқ бўлса керак, жавобингизни рўзномада ўқирмиз.

— Келишдик.

Наманган шаҳридан Я. Ҳолиқов: — Зарафшон кўчасига участка инспектори Авазбек [фамилияси ёдимда йўқ] хизмат қиларди. Ғафур ака, шу бола сержант бўлса ҳам, офицерлардан яхши ишлади. Ҳаммани танирди, ҳамма уни биларди. Шунинг учунми тартиб бор эди. Билмадим нимага экан, шартта уни бошқа участкага ўтказиб юборишди. Ундан кейин иккита офицер келиб кетди. Биров билмайди. Бир ҳафта ичида кетма-кет ўғрилик юз бериб, тунлари ўсмирлар ойналарни тошбўрон қилишмоқда.

— Бу ташвишли ҳол албатта. Биз Наманганга ходимимизни жўнатамиз. Аҳволни ўрганиб, Сизни хабардор қиламиз. Қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, участка инспекторини тайинлаш ёки бошқа жойга кўчиришдан олдин маҳалла аҳли, қишлоқ ва посёлка Шўроларининг фикрини билиш зарур.

Тошкент шаҳридан А. Қодиров: — Ғафур Раҳимович, шаҳримизда жуда киссавурлар кўпайиб кетди-ку! Автобусда хотинимнинг чўнтагига икки марта ўғри тушди. Уларга нисбатан бирон-бир чора кўриладими? Тутилган ўғрилар ҳақида рўзномага ёзиш керак, уларнинг ота-онаси элга танитилса яхши бўларди.

— Сиз айтгандек муаммо бизни ҳам қаттиқ ташвишлантирмоқда. Шаҳар ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бошқармасида чўнтаккесарлар билан курашадиган бўлим бор. Бўлим ходимлари шу йилнинг уч ойи мобайнида 130 киссавурни қўлга туширди, жумладан 7 нафари балоғатга етмаган. Лекин бу [illegible] кам. Бўлимда атиги 40 га яқин ходим [illegible] ярим миллион [illegible] Тошкент учун бу оз. Бу билан киссавурларга қарши кураш ўз ҳолига ташлаб қўйилган демоқчи эмасман. Биз улар билан курашни кучайтириш чора-тадбирларини кўраяпмиз.

Ўғриликнинг авж олишида кўпчиликнинг лоқайдлиги ҳам катта роль ўйнаяпти. Ўнлаб эркаклар кўз ўнгида сурбетлар аёл кишининг киссасини қоқлашади-ю, ҳеч ким чурқ этмайди.

Ошкоралик ҳақидаги фикрингизга эса тўла қўшиламан. Қўлга тушган ўғрилар, ноқобил фарзанд ўстирган ота-оналар ҳақида ҳам рўзномаларга ёзиб туриш керак.

Фарғона вилояти, Бағдод ноҳиясидан К. Мирзаев: — Жамоа хўжалигидан пул олувчи ташкилотлар орасида ўт ўчирувчилар жамияти ҳам бор. Лекин улардан ҳеч фойда кўрмаймиз.

— Аввалам бор, сиз кўнгилли ўт ўчириш жамиятлари тўғрисида гапиряпсиз шекилли. Фикрингиз баҳсли. Чунки кўнгилли ўт ўчириш жамияти аъзолари аҳоли ўртасида ёнғиндан сақлаш бўйича ишларни олиб боришмоқда. Улар ўт ўчиришда ҳам фаол иштирок этишади. Энди Ички ишлар вазирлиги ихтиёридаги ёнғиндан сақлаш идоралари ходимлари фаолиятига тўхталсак, қуйидагиларни айтиш мумкин. Ўтган уч ой ичида жумҳуриятимиз бўйича ёнғинлар сони камайди. Ундан кўрилган зарар миқдори анча қисқариб, нисбатан камроқ одамлар ҳалок бўлди.

Ички ишлар вазири ўринбосари Е. В. УСПЕНСКИЙ жавоблари:

Тошкент шаҳридан М. Мираюбов: — 1983 йили машинамни олиб қочишганди. Уни милиция ходимлари қўлга олишиб, тегишли жазо берилишига эришишди. Ҳозир жиноятчи Р. Саидаҳмедов «ўтирибди». Суд ҳукмига мувофиқ у менга етказилган 5 мингдан зиёд зарарни қоплаши керак. Лекин шу кунгача атиги 300 сўм олдим. Ички ишлар вазирлигига ўтган йили мурожаат қилганимдан сўнг номимга пул келиши бутунлай тўхтаб қолди. Буни қандай тушуниш мумкин!

— Мен Сизнинг ҳолатингизни тушуниб турибман. Сизга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Лекин бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра маҳбуслар кам маошли иш билан машғул бўлишади. Қабулимга келинг, батафсил гаплашамиз.

Самарқанддан Бердиев: — Менинг укам Мўса Бердиев жиноят содир қилиб, 4 йилга кесилиб кетган. Ҳозир Андижон шаҳрида шартли озодликка чиққан ҳолда заводда ишлаяпти. Унинг 4 та боласи бор, хотини ишламайди. Ўзимнинг 5 болам борлиги учун ҳар доим ҳам уларга ёрдам беролмаяпман. Шунинг учун укамни Самарқанддаги заводда ишлаш учун кўчиришга ёрдам беролмайсизларми?

— Масаланинг мураккаблиги шундаки, Самарқандда шартли озодликка чиққан маҳбуслар ишлайдиган завод бўлмаса, биз қонунга кўра уни кўчиролмаймиз. Ички ишлар вазирлигига ариза билан мурожаат қилинг, ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Тошкент шаҳридан Пўлатов: — Евгений Васильевич, сим орқали мулоқот яхши, албатта. Лекин мен шахсан Сиз билан юзма-юз суҳбатлашмоқчи эдим. Мумкинми?

— Нега мумкин эмас, марҳамат. Бизнинг эшигимиз ҳамиша очиқ.

— Қайси куни борсам бўлади!

— Мен ҳафтанинг ҳар душанба куни кундуз соат 11.00 дан 13.00 гача қабул қиламан. Бирор сабаб билан бўлмай қолсам, ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси бошлиғи маҳбусларга оид масалалар бўйича суҳбатлашади.

Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи З. С. НАЖМИДДИНОВ жавоблари:

Тошкент шаҳридан жангчи-ногирон Раҳимов: — Чилонзор ноҳиясидаги .... кўчасида кечаси-ю кундузи афюн ва ароқ савдоси узилмайди. Ёш йигитлар тўдалашиб, йўловчиларга тихирлик қилишига эса милиция парво қилмайди.

— Бангилик ва ичкиликбозликни рағбатлантираётган кимсалар ҳақидаги хабар учун катта раҳмат. Биз Сиз айтган ...... кўчани назоратга оламиз.

Кўча безориларига келсак, жамоат тартибини сақлайдиган пост-патруль хизмати милицияси постини ўша ерга яқинлаштириш зарурати борга ўхшайди. Буни ҳам ҳисобга оламиз. Худди шундай безорилик ҳақида ҳайдовчи Обидов ҳам хабар қилганди. Унинг фикри ҳам эътиборга олинди.

Фарғона вилояти, Қува ноҳиясидан Улуғ Ватан уруши ветерани С. Абдуллаев: — Мен уруш, партия ва меҳнат ветераниман. Ҳозир оиламизда 5 киши ишламайди. Ишга жойлашишда ёрдам берсангизлар.

— Сотволди ака, ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган тегишли идоралар бор. Шунга қарамасдан биз Қува ноҳияси ички ишлар бўлимининг участка инспекторига топшириқ берамиз, у Сизга ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Тошкент шаҳридан И: — Қўшним ниҳоятда кўпол одам. Уникига ҳар хил машиналарда одамлар келишиб, наша сотиб олишади. Бу машиналарнинг номерлари бизда ҳам бор. Текшириш пайтида айтиб беришимиз мумкин. Участка инспекторининг бундан хабари бор, лекин чора кўрмаяпти.

— Сиз айтган уйнинг адресини ёзиб олдим. Албатта текшириб кўрамиз. Агар милициянинг участка инспектори била туриб, чора кўрмаётган бўлса, Сизни ишонтириб айтаманки, унга энг қаттиқ чора кўрилади.

Тошкент вилоятидан Н.: — Черняевка посёлкасидаги бозорда чойхона бор. У ерда ҳар доим турли миллат вакилларидан иборат бекорчи ёшлар ўтиришади. Шовқин-сурон кўтариб, меҳнаткашларнинг дам олишларига ҳалақит беришади. Исмоил ака исмли участка инспектори буни билади. Лекин бир неча йилдан бери шу аҳвол давом этиб келмоқда.

— Юз бераётган қонунбузарликни кўриб кўрмасликка олаётган милиция ходимлари баъзан учраб туради. Агар Сиз айтган гаплар ўз тасдиғини топса, чойхонада тартиб ўрнатиш чораларини кўрамиз.

Социалистик мулкни талон-тарож қилиш билан кураш бошқармаси бошлиғи С. А. ТАХТИН жавоблари:

Олмалиқ шаҳридан А. Кочергин: — Алло, БХССми!

— Тахтин эшитади.

— Сергей Александрович, ноўринроқ бўлсада, бир саволим бор. БХСС ходимлари еган нонларини оқлашаяптими! Талон-тарож қилинган халқ мулкининг қанча қисми қонуний эгаларига қайтарилмоқда!

— Бевосита мулоқотни ўтказишдан мақсад ҳам муштарийларнинг ҳар қандай саволига жавоб беришдир. Мен Сизга ҳозир БХСС ходимларининг фаолиятини акс эттирган рақамларни тилга олиб ўтаман. Улар еган нонларини оқлаяптими ёки йўқми, ўзингиз хулоса чиқариб оласиз. Иқтисодиётда содир бўлаётган ғаразли жиноятлар оқибатида давлатга ҳар йили катта миқдорда зарар етмоқда. 1988 йили зарар 47,9 миллион сўмни, 1989 йили эса 31,3 миллион сўмни ташкил этди.

БХСС ходимлари куч-ғайрати билан 1988 йили давлатга 21,8 миллион сўм қайтарилди, бу кўрсаткич 1989 йили 29,3 миллионга чиқарилди. Бундан ташқари талон-тарожнинг олдини олиш бўйича кўраётган тадбирларимиз ҳам катта самара бермоқда. Масалан, ўтган йили шу йўл билан 3 миллион 296 минг сўмлик мол ва моддий бойликлар эгри қўллардан асраб қолинди ҳамда давлат даромадига ўтказилди.

Қашқадарё вилоятидан Ж. Холов: — Яқинда Тошкентда бўлгандим. Қадамда ширкат. Айримларида давлат маҳсулотини чайқов нархида пуллаб ётишибди. БХСС ходимлари қонуний талончиларга чора кўришадими!

— Ҳақли савол. Дарҳақиқат айрим ширкатлар Низомда кўзда тутилмаган ишлар билан шуғулланишмоқда. Ўтган йили ана шундай ширкатлардан 23 таси фош этилди. Ҳозир «икки каллали» ширкат иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Номига иккита ширкат бўлиб, аслида бирга иш кўрган ва муҳри битта бўлган. Икки раис ўз навбатида бошқа ширкатда раис ўринбосари бўлган. Ширкат аъзолари чайқовчилик билан кун кечиришган. Масалан, улар Олмалиқдаги маиший кимё заводидан 30,5 минг сўмлик кир ювиш воситаларини харид қилиб олиб, 1,5—3 баравар қимматига сотишган. Иштаҳалари очилганидан Тошкентдаги Марказий универсал дўконидан 60 минг дона совун сотиб олишиб, икки баравар қимматга пуллашди.

Биз мана шундай ҳоллар билан курашни кучайтириш мақсадида махсус бўлинма ташкил этмоқдамиз. Унга касб тайёргарлиги юқори ва ўз ишининг устаси бўлган ходимлар киради.

Тошкент шаҳридан .... (исми-шарифини айтишдан бош тортди). Мен чайқовчиман. БХСС нуқул бизни таъқиб қилади. Лекин бозорларимизда қанча-дан-қанча чет эллик «ҳамкасбларим» бахузур савдо қилишяпти. Нима, бизнинг қонунларимиз уларга таъсир қилмайдими!

— Чайқовчининг миллати бўлмайди. Унинг худоси пул. Шунинг учун шаҳримизда чет эллик чайқовчилар ҳам учраб турибди. Сизга қанчалик «озор» етказаётган бўлсак, хорижий «ошна»ларингиз ҳам бизнинг «марҳаматимиз»дан четда қолаётгани йўқ. Тошкент шаҳрининг ўзидагина бултур саноат моллари билан чайқовчилик қилаётган 5 нафар хорижий фуқаро ушланди, уларнинг ҳаммаси жиноий жавобгарликка тортилди. Уч нафари мамлакатимиз ҳудудидан чиқариб юборилди.

Урганч шаҳридан Қ. Қудратов: — Жумҳуриятимизда қалбаки пуллар борми! Уларни қандай билиш мумкин!

— Афсуски, учраб турибди. Кейинги 15 йил ичида 175 та қалбаки 10 сўмлик, 21 марта қалбаки 50 сўмлик аниқланган. Қалбаки 5 сўмликнинг учраб туриши ҳам кам эмас. Бундан бир неча йил бурун Тошкент шаҳридаги босмахоналардан бирида соҳта пул ясовчилар гуруҳи фош этилган эди.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, қуйидагиларни айтиш мумкин. Бу йил 3 марта қалбаки 5 сўмликни муомалада ишлатиш ҳоли қайд қилинди. У нурга тутилса, юлдузча шаклидаги махсус белги йўқлиги маълум бўлади. Пул оддий қоғозга босилгани учун одатдагидек қирсилламайди. Қалбаки 10 сўмлик ҳам учраб туради. Қоғози қалинроқ. «десять карбованцiв ва «дзесяць рублёў» сўзларининг ўртасида нуқта йўқ.

— Шунақа пул қўлга тушиб қолса, нима қилиш керак!

— Пулнинг қалбаки эканлиги ҳақида шубҳа уйғонса, уни эгасига қайтариб бермасдан милиция чақиришга ҳаракат қилиш керак. Иложи бўлмаса, унинг белгиларини эслаб қолишга уриниш зарур.

(С. А. Тахтинга бундан ташқари яна кўплаб саволлар тушди. Олибсотарлик, спиртли ичимликлар турлари билан «савдо» қилувчи хонадонлар, давлат мулки талон-тарож қилинаётган жойлар адреслари ва конкрет шахслар айтилди. Текшириш ўтказилгунча буларни очиқ айтиш мумкин эмас).

Сиёсий бошқарма бошлиғи ўринбосари М. П. ИВАНОВ жавоблари:

Наманган вилоятидан А. Абдуллаев: — Алло, Михаил Петровични телефонга мумкинми!

— Эшитаман. Мен Михаил Петровичман.

— Михаил Петрович, мен милиция ходимиман. Вазиятни тушуниб, суткалаб ишлаймиз, лекин вақтида дам ололмаймиз. Оилавий, уй шароитимиз билан ҳисоблашадиган раҳбарлар кам.

— Мен вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўртоқ Гавриличев билан гаплашаман. Ортиқча ишланган соатлар учун дам берилиши шарт. Назаримда Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси сиёсий бўлими ходимлари бу масалани эътибордан четда қолдираётганга ўхшайдилар. Камчиликни тугатиш тадбирларини кўрамиз.

Тошкент шаҳридан М. Абдуллаев: — Паркент воқеалари ҳақида турли-туман миш-мишлар юрибди. Қачон айбдорлар аниқланади!

— Паркент воқеаларини текшириш бўйича жумҳурият Олий Шўросининг махсус комиссияси ишлаб турибди. Комиссия қорани қора, оқни оқ қилишига ишонамиз.

— Комиссия қачон ишини тугатади!

— Олий Шўро сессиясида уч ой муддат берилган.

Тошкент вилоятидан қўнғироқ: (исми-шарифини айтишдан бош тортди:) —... **ноҳия ички ишлар бўлими давлат автомобиль инспекцияси бошлиғи нопок одам. Техника кўригида эгрилик қилади.**

— Исми-шарифингизни айтишдан бош тортяпсиз, билмадим сизга қандай мурожаат қиламан. Хуллас, сизга ўхшаган кишилардан мана шундай хабарларни кўплаб оламиз. Уларнинг аксарияти нотўғри бўлиб чиқади. Бу билан милиция рисоладагидек тоза демоқчи эмасман. Хабарингизни ўрганиб чиқамиз.

Оққўрғон ноҳиясидан Қ. Саидохунов: Хитой Халқ Жумҳуриятида қариндошларим бор. Ўтган йили ўша ёққа бормоқчи эдим, вилоят ички ишлар бошқармасининг бўлими рухсат бермади.

— Рухсат бермасликнинг турли сабаблари бўлиши мумкин. Сизга маслаҳатим шундан иборатки, жумҳурият Ички ишлар вазирлиги бошқармасининг бўлим бошлиғи ўртоқ Ғ. Йўлдошевга ариза билан мурожаат қилинг.

Кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш. М. МАВЛОНОВ жавоблари:

Тошкент шаҳридан З. Одилов: — ТошДУ ҳуқуқшунослик факультети 3-курсига ўқишимни тиклаяпман. Ички ишлар идораларида хизмат қилмоқчи эдим.

— Илгари бирор жойга мурожаат қилганмисиз?

— Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасига боргандим. Лекин тиббий кўрикдан ўтолмадим.

— Зафаржон, бўлмасам олдин ўқишни тугатинг. Саломатлигингизни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Сўнгра яна бир бор шаҳар ички ишлар бошқармасига боринг.

Тошкент шаҳридан Х. Маглиев: — Милиция ходимлари ишдан бўш пайтларида автоширкатда ишлашлари мумкинми!

— Йўқ.

Хива шаҳридан Н. Бекжонова: — Бир гапим бор эди...

— Гапиринг опа.

— Ўғлим Оллоберган Исмоилов Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтини 1986 йил битиргач, ишга Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Ички ишлар вазирлигига жўнатилди. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, ўғлимни Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасида хизмат қилишга кўчириб берсангизлар.

— Назира опа, биз илтимосингизни ўрганиб чиқамиз, агар Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасида бўш ўрин бўлса, уни қондириш мумкин.

Тошкент шаҳридан А. Тошпўлатов: — Милицияда ишлайман. 1985 йили ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирганман. Офицерлик вазифасида ишлашни хоҳлардим.

— Анваржон, менинг олдимга келинг, бафуржа суҳбатлашамиз.

«Наманган ҳақиқати» рўзномасидан, Р. Худойбердиев: — Нима учун ички ишлар идораларида юртдошлик ва порахўрлик давом этиб келмоқда. Яқинда Наманган аэропорти милиция бошлиғи лавозимига Н. Раҳмонов тайинланиши ҳақидаги материаллар тайёрланган эди. Бу масала партия-совет идоралари билан келишилганди. Бироқ, Урта Осиё транспорт милицияси ҳеч ким билан келишмасдан бу лавозимга А. Ортиқовни тайинлабди.

— Ҳозир телефон орқали нима сабабдан биринчи номзод ўтмай қолганини тушунтириб беришнинг имконияти йўқ. Жавобини Сизга айтамиз. Юртдошлик ва порахўрлик масаласига келсак, Ички ишлар вазирлиги милиция ходими номига доғ туширадиган шармандали ҳоллар билан муросасиз курашиб келмоқда. Ўтган йили пора олган 17 нафар ходим фош қилиниб, жиноий иш қўзғатилди. Ўйлайманки, булар гурунчнинг ичидаги курмаклар. Мутлақ кўпчилиги ўз бурчини ҳалол ва виждонан ўтаб келмоқда. Биргина ўтган йили 13 нафар милиция ходими бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлди.

Фарғона вилояти, Бағдод ноҳиясидан Н. Тешабоев: — 1989 йили Тошкент ҳуқуқ техникумини тугатдим. Милицияда ишламоқчи эдим. Ўзи кимлар милицияда ишлаши мумкин!

— Нурмуҳаммад, Сиз вилоят ички ишлар бошқармасига учрашинг, биз бу ёқдан қўнғироқ қилиб қўямиз. Энди иккинчи саволга келсак, ички ишлар идораларида хизмат қилишга келаётган ҳар бир киши махсус текширув ва тиббий кўрикдан ўтиши шарт. Камида ўрта маълумотли ва ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёки ҳарбий унвони бўлиши керак.

Суҳбат мирзолари С. Остонов. Ғ. Болтабоев: — Ғафур Раҳимович, боя бўкалик Б. Назаровга берган ваъдангизни эслатиб қўймоқчи эдик.

Ғ. РАҲИМОВ: — Милиция ходимларининг лоқайдлиги ҳақида бир нечта талон-тарож ҳақида 30 дан зиёд, қиморбозлар, наша сотаётганлар тўғрисида кўплаб қимматли маълумотлар берилди. Қанча-дан-қанча кишилар ўзларини ўйлантириб юрган саволларга жавоб олишди. Мулоқотнинг афзаллигини мен исботлаб ўтиришимга ҳожат қолмади. Ўйлайманки, жумҳурият рўзномалари ёрдамида бундай суҳбатлар мунтазам равишда ўтказиб борилади. Милициянинг бугунги фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдирган, жойлардаги қонунбузарликлардан бизни хабардор қилган барча ўртоқларга миннатдорчилик билдираман.

Суҳбатни «Ёш ленинчи» рўзномаси ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича шарҳловчиси С. ОСТОНОВ ва жумҳурият Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими Ғ. БОЛТАБОЕВлар ёзиб олишди.

●

Сураткаш Наби УТАРБЕКОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Мулоқот давомида 172 та савол тушди. Қайтариқ саволлар умумлаштирилди. Жиноий ишлар юзасидан мурожаат қилганларга Ички ишлар вазирлиги томонидан ёзма равишда жавоб берилади. Вазирлик раҳбарларининг айтишича, бирорта ҳам савол эътибордан четда қолмайди.

Мулоқот туфайли қанчалаб одамларнинг вақти тежалди. Ички ишлар вазирлигига келиши, қабулга ёзилиши, навбат кутиши керак бўлганлар телефон орқали саноқли минутларда раҳбарлар билан гаплашишга эришдилар.

Шунингдек, вазирлик раҳбарияти ҳам икки соатли мулоқот давомида милиция фаолияти ҳақида одамларнинг фикрларини эшитишди, жойлардаги тартибсизлик, қонунбузарликлардан хабардор бўлишди. Қўнғироқ қилганларнинг кўпчилиги чайқовчилик, ўғрилик, айниқса чўнтакка тушувчиларга қарши курашни кучайтириш зарурлигини талаб қилишди. Одамлар минг бир ташвиш, муаммо, талаб билан қўнғироқ қилишди. Одамлар ташвиши — милициянинг ташвиши. Иккала томон ҳамкорликда ҳаракат қилгандагина уларни бартараф этиш мумкин.

Хорижда́н хабарлар

ҲИНДИСТОНДА 150 КИШИ ЗАҲАРЛАНИБ ЎЛДИ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ҳиндистоннинг Банда шаҳарчаси (Уттар-Прадеш штати) яқинида бўлиб ўтган тўй фожиали тугади.

ПТИ агентлигининг хабар беришича, тантаналар чоғида меҳмонлар қўққисдан ўзларини ёмон ҳис қила бошладилар, сўнгра эса улар бўғилиб, талвасага тушдилар. Меҳмонларнинг кўпчилиги дарҳол яқин атрофдаги касалхонага олиб борилди. Бироқ йўлда 37 киши нобуд бўлди. Қаттиқ заҳарланиш туфайли ўнлаб кишиларнинг аҳволи оғирлашди.

Полиция берган маълумотларга кўра, шу кунга қадар ҳаммаси бўлиб 150 киши вафот этди.

Касалхоналардан бирининг вакили маълум қилишича, меҳмондорчилик вақтида қанча одам заҳарланганини аниқлаш мушкул, чунки улар турли даволаш муассасаларига юборилган.

Аввал бошда полиция маросимга таклиф этилганларнинг кўпчилиги татиб кўрган тўй тортига кучли заҳар солинган, деб тахмин қилди. Сўнгра тўй учун пиширилган пури — анъанавий ҳинд кулчаларига қўшилган зиравор таркибидаги фосфор фожиага сабаб бўлганлиги аниқланди.

Келин-куёвнинг заҳарланган ёки заҳарланмаганлиги тўғрисида ҳозирча маълумот йўқ, ҳолбуки, тўйга келган меҳмонларнинг аксарияти заҳарланиш туфайли ҳаётдан кўз юмди.

ЦЕДЕНБАЛ ВА УНИНГ РАФИҚАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИДАН МАҲРУМ ЭТИЛДИ

УЛАН-БАТОР, 20 апрель. ТАСС мухбири Дугар Санжиев хабар беради: мамлакатнинг собиқ раҳбари Ю. Цеденбал МХР қаҳрамони, МХР Меҳнат қаҳрамони, МХР Маршали унвонларидан маҳрум этилди. МХР Буюк Халқ Хурали Президиуми МХРП Марказий Комитетининг 1990 йил 8-Пленуми хулосалари, давлат, жамоат ташкилотлари, партия аъзолари ва меҳнаткашларнинг таклифлари асосида шундай қарор чиқарди, деб хабар беради бугун «Унэн» газетаси.

Айни пайтда унинг рафиқаси А. И. Цеденбал — Филатова Сухэ-Батор, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Қутб юлдузи» орденларидан, МХРда хизмат кўрсатган маданият арбоби унвонидан маҳрум этилди. Партия ва давлат олдида унинг хизматлари йўқ, дейилади газета хабарида.

ФАХРИЙ ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

ВАШИНГТОН, 19 апрель. (ТАСС). Чоршанба куни АҚШ вице-президенти Дэн Куэйл СССРнинг АҚШдаги элчиси Ю. В. Дубининга совет космонавтлари Владимир Титов ва Муса Манаров космосда узоқ вақт бўлиш жиҳати билан жаҳон рекорди ўрнатганликлари учун «Хармон соврини» фахрий дипломларини топширди.

Америка аэрокосмик саноатининг энг нуфузли мукофотларидан бири бўлган мана шу диплом 1926 йили таниқли авиатор Клиффорд Хармон шарафига таъсис этилган эди ҳамда илм-фан ва тадқиқот соҳасидаги катта ютуқлар учун топширилади.

Ранг-баранг олам

СПОРТ ЁРДАМ БЕРДИ

✦ АҚШда 1910 йилдан бери биринчи марта эркаклар сони аёллардан ошиб кетди. Аҳолини рўйхатга олиш бюросининг маълумотига кўра, 1980-1989 йилда мамлакатда эркаклар сони 10 миллион 557 минг кишига етган бўлса, аёлларда бу кўрсаткич 10 миллион 448 мингни ташкил этди. Бюро ходимлари эркак аҳолининг ўсиши кейинги даврда улар спорт билан мунтазам шуғулланиб, соғлиқларига катта эътибор беришларида, деб ҳисобламоқдалар.

АРСЛОН УЧУН СУНЪИЙ СОЧ

✦ ФИЛАДЕЛЬФИЯ ҳайвонот боғида камдан-кам учрайдиган воқеа рўй берди. Нерон лақабли арслон тери касаллиги билан оғриб, бошидаги сочларидан батамом айрилди. Қафасдаги бошқа арслонлар «кал-бош» қўшнисига ёмон муносабатда бўла бошладилар. Мутахассислар йиртқич бошига сунъий соч (парик) кийгизишни таклиф этишди. Бошига янги соч ўрнатилаётганда Нерон худди тушунгандек, миқ этмай турди. Энди бошқа арслонлар сочли дўстларига яхши муносабатда бўлаётир.

ХАРОБАДАГИ ХАЗИНА

✦ ПАРИЖ полицияси шаҳар четидаги хароба бир уйдан жами бир миллион франкли ҳақиқий хазина — олтиндан ишланган билакузук, узук, тангалар, соатлар, камёб почта маркалари топиб олишди. Харобанинг эгаси жуда ҳам камбағал бўлиб, давлатдан нафақа оларди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу «ночор» киши ўғирланган буюмларни арзон нархда сотиб олувчи қаллоб бўлиб чиқди.

ҲАР ЖОЙНИНГ ЎЗ ҚОИДАСИ БОР

✦ БУЮК БРИТАНИЯНИНГ Грейт-Молвери шаҳри марказий майдонидаги бозорда ўтмишдан қолган антиқа қоида бор. Тошдан ишланган қадимги столга биринчи бўлиб ўз молларини қўйган сотувчи бозор солиғидан озод этилади.



Хоразм халқ ансамбллари, қадимий ўзбек халқ санъати намуналарини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келадилар, севиб ижро этадилар...

Суратда: Қадимий хоразмча рақс.

УзТАГ сурат-хроникаси.

Сўраган эдингиз

Усмон Қуръони тарихидан

Кишилик жамияти тараққиётидаги энг кенжа динлардан бири бўлган ислом дини ва унинг ғоялари ҳозиргача кўпчилик мамлакатларда ҳуқуқий норма ҳисобланади. Унинг ғоялари «муқаддас» Қуръонда ўз ифодасини топган. Биз сизга Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати бошқармасида сақланаётган учинчи халифа Ҳалифа Усмон даврида ёзилган Қуръон ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Қуръон арабчадан таржима қилинганда ўзбекча «ўқув», «қироат» сўзларига тўғри келади. Ислом динида муқаддас китоб деб тан олинган, унда исломнинг асосий ғоялари, яъни эътиқод талаблари, ҳуқуқий, ахлоқий нормалари, чеклаш ва тақиқлари ўз ифодасини топган.

Тахминан милоднинг 630 йилларида марказлашган Араб Давлати ташкил топади. Араблар бу даврда жамият тараққиётининг уруғ-қабилачилик босқичини бошидан кечирмоқда эди. Араб қабилалари ўртасида ўзаро урушлар давом этаётган бир вақтда қурайш қабиласидан чиққан Муҳаммад ҳам бу урушлардан четда туролмайди. Муҳаммад ҳарбий юришлари даврида ўз таълимотини тарғиб қилади. Унинг ёнида хотираси ўта кучли бўлган мирзалари бўлар, улар Муҳаммаднинг сўзларини ёдлаб қолар, сопол ва пергаментларга ёзиб қолдирарди. Муҳаммад диний дунёқарашининг шаклланишида Сурияга қилган сафари ҳамда хотини Хадичанинг амаки акаси худоизловчи — ҳаниф Варака катта таъсир кўрсатди.

Муҳаммад тириклиги даврида унинг диний қарашлари системага солинмаган эди. Унинг ўлимидан сўнг Муҳаммаднинг сўнгги мирзаларидан бири Зайд ибн Собитга Муҳаммад тарғиботларини тўплашни топширган. Қуръон биринчи марта Зайд ибн Собит томонидан 632 йили системалаштирилган, учинчи халифа Усмон даврида эса 544-556 йилларда алоҳида китоб ҳолига келтирилган. Ҳалифа Усмон узоқни кўра оладиган уддабурон киши эди. У ўз давригача мавжуд бўлган барча Қуръон тўпламларини йиғиб, уларни солиштириб чиқиб, ягона Қуръон матнини ёзишни буюради. Шу тариқа ягона Усмон Қуръони пайдо бўлади. Бу эса жанговар араб қабилаларини марказлашишига, мафкуравий жиҳатдан бўлиниб кетмаслигига олиб келади. Ҳалифа Усмон буйруғи билан Қуръоннинг бошқа турлари йўқ қилиб ташланади. Шундай қилиб, милоднинг 651 йилида ёзилган Усмон Қуръонидан тўрт нусха кўчирилиб, Арабистоннинг бошқа шаҳарларига Куфа, Басра ва Дамашққа юборилади. Асл нусхасини эса Мадина шаҳрида қолдиради. Шулардан иккитаси бизга маълум, бири Миср миллий кутубхонасида, иккинчиси эса, Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диний назорати бошқармасида сақланмоқда.

1868 йил май ойида чор армияси томонидан Самарқанд шаҳри забт этилади. Чоризм мустамлакачилиги даврида Ўрта Осиё халқлари икки томонлама эксплуатация остида қолган эди. Бир томондан, маҳаллий бойлар ва руҳонийлар бўлса, иккинчи томондан, Россиянинг очкўз дворянлари талар эди. Чор амалдорлари ер ости ва усти табиий бойликлари билан бирга маданий бойликларни ҳам Россияга ташиб кета бошлади.

Самарқанд шаҳрининг Хўжа Аҳрор масжидида сақланаётган куфа ёзувидаги халифа Усмон Қуръони тўғрисидаги хабар Туркистон генерал-губернатори Константин Петрович фон Кауфман қулоғига чалинади. Бу нодир қадимий қўлёзма генерал-губернаторни қизиқтириши табиий эди. Унинг буйруғига мувофиқ мазкур Қуръон тўғрисида баъзи маълумотлар тўпланади. Айни вақтда Бухоро мусулмонлари Қуръонни Самарқанддан Бухорога ўғирлаб кетиш пайтида тушган эдилар. Бундан чор генерали хабардор эди.

Зарафшон мавзеининг бошлиғи генерал-майор Абрамов Самарқанд уездининг бошлиғи подполковник Серовга Қуръонни Петербургга жўнатиш тўғрисида буйруқ беради. Подполковник Серов Қуръонни олиб кетиш учун баҳона қидиради ва қуйидагиларни асос қилиб олади.

«1. Хўжа Аҳрор масжидида сақланаётган Қуръон Бухоро амирининг шахсий мулки ҳисобланади. 2. Қуръон ҳозирги вақтда мусулмонлар учун ҳам, масжид учун ҳам диний аҳамияти йўқ, тўғри, бир вақтлар мусулмонлар у китобга сажда қилганлар, ҳозир эса Бухоро амири Самарқандга келганда зиёрат этади, холос. 3. У китобни ҳеч ким ўқий олмайди, чунки мусулмонлар жудаям саводсиз ва нодон. Шунинг учун китоб истимолсиз ётибди.

Генерал-майор Абрамов Хўжа Аҳрор масжидининг уламолари мулла Абдужалил ва Мулла Мучинига 500 кокон (100 сўм) тўлаб, сотиб олади. 1869 йил 24 октябрь Тошкент. Россия Маориф министрлигига, Император Олий ҳазратлари номига.

Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант

К. П. фон КАУФМАН, имзо.

Губернатор канцелярияси бошлиғи генерал-майор

Гомзин, имзо.

Канцелярия иш юритувчиси Дяконов, имзо».

(УзССР Марказий Давлат архиви Ф. — 394. қайднома 1. д. 14).

Шундай қилиб, 24 октябрь 1869 йили «муқаддас» Усмон Қуръони Самарқанддан Петербургга олиб кетилади.

1874 йили Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфман ўзининг фахрий маслаҳатчиси А. Кунга Усмон Қуръони тўғрисида материал тўплашни буюради. А. Кун тўплаган материаллар «Ежегодник материалов для статистики Туркестанская края за 1874 г». тўпламида ҳам нашр этилади.

Генерал-губернатор ўз қўли билан қуйидагиларни қўшимча қилиб ёзиб қолдирган: «Қуръон тўғрисидаги Император Олий ҳазратларига юборилган мактубдаги фикрлар ҳақиқатга зид. Зиёратчи татар мулла бизнинг кўз олдимизда Қуръоннинг бир неча қаторини шариллатиб ўқиди. Бутун мусулмон дунёси учун ўқув имлосининг ягоналиги Қуръонни ўқишгина эмас, ёдлаб олишни ҳам осонлаштиради».

Бу нодир қўлёзманинг ташқи кўриниши тўғрисида 1874 йилда қуйидагилар ёзиб қолдирилган: «Ташқи кўриниши 68х53 сантиметр, 353 варақдан иборат, ёзув матнлари 50х44 см. ни эгаллайди. Қалин, ялтироқ текис мустаҳкам пергаментдан (ҳайвон терисидан) тайёрланган материалга қуфа ёзувида ёзилган. Материали қисман буришиб қолган, айниқса (287 вараги). Биринчи варағи сариқ, иккинчиси оқ рангда. Қуръонни ёзуви матни сарғиш рангда ёзилгани яхши сақланган. Қора ва қорамтир рангда ёзилган ҳарфлари пергаментга ёйилиб кетган. Ёзувда сўзларнинг марказий қисми яхши сақланган. Кўпчилик сўзларнинг ранги ўчиб, оқариб, ўқишни жудаям қийинлаштиради. Бир варақнинг ўзида яхши ва ёмон сақланган сўзларни учратамиз, бу эса қачонлардир сўзларнинг қайта тиклангани гидан дарак беради. Пергамент ва варақлар намликданми ёки қон тўкилганлиги туфайлими бир-биридан қисман фарқ қилади. Яроқсиз бўлиб қолган 69 вараги қоғоз варақка алмаштирилган. Бу варақ ҳам пергаментга ўхшаш пишиқ ва юмшоқ қоғоздан тайёрланган. Варақларнинг айрим қисмлари йиртилиб кетганлиги туфайли ширачланган. Қуръон варақлари кўпчилигининг пастки бурчак қисми йиртилиб, кемтик бўлиб қолган. 60-63-варақлари қоғоз ёпиштирилиб ямоқланган. Ёзув матнларининг айрим жойлари қайта тикланган. Таъмирланган қисмлари матни қирқилиб, бир шаклга келтирилган. Айрим жойларда, ҳаттоки, Қуръон сурлари ҳам қайта тикланган.

353 варақли китобдан фақатгина ўн беш варақ ҳеч қандай таъмирсиз бутун сақланган. Булар 210-, 214-, 215-, 218-, 219-, 220-, 232-, 233-, 234-, 235-, 237-, 238-, 240-, 243- ва 246-варақлардир. Китобда қалин сурп ёпиштирилиб ямалган қисми бор. Варақларнинг пастки қисми букланганлиги сабабли қоғоз ёпиштирилган. Кичкина дафтарчали қисми эса ҳар хил ҳажмларда яшил ип билан яхшилаб тикилган.

Профессор Н. И. Веселевский «О разыскание древностей в Зеравшанском округе» (1869 й. 3-сон 39-бет) тўпламида қуйидагиларни ёзади: «Хўжа Аҳрор масжидининг имоми Мулла Абдужалилнинг айтишича, Хўжа Усмон мана шу Қуръонни мутолаа қилиб турган пайтида душманлар томонидан ўлдирилган эмиш. Қуръонга ҳалифанинг қони томган, қон доғлари эса Қуръонни мусулмонлар учун муқаддаслигини оширади. Бундан анча олдин қон излари кам бўлган бўлса керак, чунки, қон доғлари ҳам китобнинг бошқа варақлари сингари қайта тикланган. Китобга тўкилган қон тасодифий эмас, балки қасддан тўкилган. Қон доғлари пастдан юқорига қараб симметрик тарзда кўтарилиб борган. Қон доғларининг сохталигини қуйидагилардан билиш мумкин: 133-, 134-варақларида қон доғи бор. 135-варақда эса қон изи йўқ, 137-варақда яна қон доғи бор. 138-варақ тоза сақланган, 139-, 140-варақда яна қон излари бор. 65-варағида қалин қон доғи бор, 57-варағига ўтмаган. Айниқса, 56-, 103-, 104-, 106-, 209-, 210-, 282-, 283-варақларида қон излари яхши сақланган»лигини таъкидлайди.

Қуръон тўғрисидаги ёзишмалар тўплангaнидан кейин Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфман Бухоро амирининг элчиси Яхё Хўжага «муқаддас» китобни кўрсатади. Унинг айтишича, бу китобни ҳалифа Усмон ўз қўли билан ёзган асл нусхаси, китобда ҳалифанинг қон излари бор, дейди ва Қуръонни Самарқандга келиб қолиши тўғрисида қуйидаги ривоятни ҳикоя қилиб беради.

«Кунлардан бир куни Хўжа Аҳрорнинг муридлари Маккага ҳаж қилишга, муқаддас Каъаба тошини зиёрат қилишга тараддудланибди. Қабул қилинган халқ таомилига кўра, ҳамма зиёратчилар ўз ватанининг доривор ўсимликларидан йўлда асқотиб қолиши мумкинлигидан ўзи билан бирга оладилар. Хўжа Аҳрорнинг муридларидан бири Маккадан қайтишда йўл-йўлакай Румга (Константинополга) қўноқ бўлади. Худди шу вақтда ул давлатнинг ҳалифаси оғир бедаво касалга мубтало бўлган экан. Мазкур давлатнинг табибларидан ҳеч ким касални даволай олмабди. Ҳаётдан умидини узиб, ўлимини кутиб ётган ҳалифага туркистонлик табиб ҳақидаги хушхабар келибди. Туркистонлик табиб илоҳий кучга эга бўлиб, ҳар қандай касални даволай олиши мумкин эмиш. Ҳалифа зиёратчи табибни ҳузурига чорлабди. Илоҳий куф-суфлару Самарқанднинг доривор ўсимликлари билан ҳалифани бедаво касалдан тузатибди. Ўлим чангалидан қутилган ҳалифа халоскор табибга тила тилагингни деган савол билан мурожаат қилибди. Хўжа Аҳрорнинг муридларидан бўлмиш билимдон табиб ҳалифадан муқаддас китобни — Усмон Қуръонини унга ҳадя қилишини сўрабди. Ночор аҳволда қолган ҳалифа вазирлари билан маслаҳатлашибди. Ҳалифа муқаддас китобни бераолмаслигини вазирларига айтибди, шунда бир ақлли вазир мусулмонни лабзи ҳалол бўлиши керак, дебди ва қуйидагича маслаҳат солибди. Биз муқаддас Усмон Қуръонини табибга ҳадя қиламиз ва уч кун ичида самарқандлик табибдан олтинларга алмаштириб оламиз, дебди. Бу фикр ҳалифага маъқул тушибди. Табиб эса Қуръонни яширинча йўллар билан тезда Самарқандга юборибди. Орадан уч кун ўтгач, ҳалифа табибни саройга чорлаб қимматбаҳо дуру гавҳарларга муқаддас китобни алмаштиришини сўрабди. Табиб китобни ватани Самарқандга жўнатганлигини ошкор қилибди. Ҳалифа қанча уринмасин чорасиз қолибди ва тақдирига тан бериб, ўзининг гуноҳи учун худодан кечирим сўраб, тоат-ибодат қилибди.

Шундай қилиб муқаддас Усмон Қуръони Самарқандга Хўжа Аҳрор масжидига келиб қолибди». Айрим маълумотларга қараганда, Амир Темур Дамашқни ишғол қилганда Қуръонни ўз пойтахти Самарқандга келтирган деган маълумотлар ҳам бор.

Улуғ Октябрь инқилобининг ғалабасидан сўнг Бутунроссия мусулмонлари жамиятининг раиси Усмон Тукумбаев «муқаддас» китобни ўз эгаларига қайтаришни сўраб, РСФСР Халқ Комиссарлари Советига мурожаат қилади. РСФСР ХКСнинг 9 (22) декабрь 1917 йилда «муқаддас» Усмон Қуръонини ўлка мусулмонларига съездига қайтариб бериш тўғрисидаги декрети В. И. Ленин имзо чекади.

(Декреты советской власти, том 1, Москва, 1957 г. стр. 195. № — 136).

Шундай қилиб, «муқаддас» китоб Бутунроссия мусулмонлар жамиятининг РСФСР Халқ Маорифи Комиссарлиги билан боғланиши орқали мазкур жамият раиси У. Тукумбаевга Петрограддаги Россиянинг Оммавий кутубхонасининг «Нодир қўлёзмалар» бўлимидан 29 декабрда 1917 йили олиб берилади. Халқ Маорифи Комиссарлари Советининг Раиси Луначарский Қуръонни Туркистон мусулмонларининг биринчи талаби билан дарҳол Самарқандга қайтариш ва уни кейинги тақдири тўла хавфсизлигини таъминлашни унинг зиммасига юклайди.

Қуръонни Уфа шаҳридан Тошкентга келтириш учун Туркистон ёдгорликларини сақлаш комитетининг раиси. Нечкин ва Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг профессори Шмидтлар катта ташаббус кўрсатади.

Усмон Қуръони 1988 йилгача Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланди. Ҳозир эса Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диний назорати бошқармасида сақланмоқда.

Шонниёз ДОНИЕРОВ,
Исроил ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивининг илмий ходимлари.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИБ


МЕТАЛЛУРГЛАР ва кимёгарлар шаҳри — Олмалиқда араб имлосига асосланган татар тили курслари очилди. Уни Олмалиқдаги «Дўстлик» байналмилал марказининг татар-бошқирд секцияси ташкил этди. Ҳозир бу ерда 25 киши шуғулланмоқда. Курсларнинг раҳбари, уруш ва меҳнат ветерани А. Мақсуджоновнинг айтишича, тингловчилар таҳсилдан сўнг ўз она тилларида қадимий матнларни асл нусхада бемалол ўқий оладилар.

Марказдаги 8 секциядан бири бўлган мазкур секция фаоллиги тасодиф эмас. Шаҳарда йигирма беш мингдан ортиқ татар яшайди. Ўзбекистон ССРнинг тил ҳақидаги Қонуни қабул қилингандан сўнг улар давлат тилини ўрганиш билан бир қаторда ўз миллий маданиятлари, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиб, ривожлантиришга интилмоқдалар. Мактабларда секция фаолларининг ташаббуси билан татар тили факультатив тарзда ўқитиладиган тўртта синф очилди.

Бултур ташкил этилган байналмилал марказда ҳозирги кунда ўзбек, корейс ва бошқа секциялар ҳам фаол ишламоқда. Улар биргаликда куч-ғайрат сарфлаб бу йил баҳор байрами Наврўзни нишонладилар. Бу байрамда Олмалиқда истиқомат қилаётган 68 миллатнинг вакиллари қатнашдилар.

(УзТАГ).

Ёшлар ижоди



Ғулом МИРЗО 1964 йилда Қарши шаҳрида туғилган. ТошДУ журналистика факультетини тугатган. Шеърлари жумҳурият матбуотида тез-тез эълон қилиб турилади.

ЮРАК ЎНГ ТОМОНДА БЎЛСА

Қўлингда соатми, бармоқда узук,
Ёки чўнтагингда борми-йўқ чақа,
Сени тутиб берган чоғда пичоққа,
Юрак ўнг томонда бўлса ҳам тузук.
Магар кўксингдаги исён номли ўт —
Боис бойласалар Прометейдек,

Доғда қолсин учун кушанданг — бургут
Ўнг томонда бўлса яхшидир юрак.
Элингга хиёнат— гуноҳдир тоғдай,
Сени қарғишларга кўмгайдир миллат.
Виждонинг нишонга олаётган чоғда
Юрак ўнг томонда бўлса гар даҳшат!

СЕВГИ

У — гулнинг тушидир, —
Мумкин бўлса рангин туш кўриш.
Муаттар туш кўрилса агар, —
У — гулнинг тушидир.

Дил — қафасга сиғмаган куйсан,
Дил, булбулнинг ичида жим ёт.
Ахир, гулни уйғотиб қўйинг
Туш ватансиз қолар умрбод.

КЎЗЛАРИНГДА

Кўзларингда ўт ва сув яшар,
Кўзларингда — оқ билан қаро.
Кўзларингда қандай чиқишар
Манфий билан мусбат ўзаро!

Кўзларингда — ҳаёт ва қазо,
Кўзларингда — гул билан ханжар,
Кўзларингнинг ўзидир даво
Кўзларингдан дард тегса агар!

ТУН

Тун — қоп-қора, самовий кўза,
Кичиккина оғзи — тўлин ой.
Нақ шу ойдан қуйилган бўза —
Сен тўлдирдинг тунни, моҳчирой!
Юзларингга суртган сапиданг —
Юлдузларинг оппоқ қоними!
Кипригингнинг қуюқ сафидан

Ахтараман куюк жонимни.
Тун — қоп-қора, самовий кўза.
Лабим ойга етса бўлгани,
Сени ичиб қўярман, гўзал.
Нуқл қилгум сўнгра кўзани!..

Ғулом МИРЗО.

ИГОРЬ ШКВИРИННИНГ ИККИ ТЎПИ

Кеча биринчи лига командалари навбатдаги ўйинларни ўтказишди. «Пахтакор» ўз майдонида мусобақа пешқадами Запорожье шаҳрининг «Металлург» футболчиларини қабул қилди. Учрашувнинг биринчи ярми пахтакорчилар устунлигида ўтди. 43-минутда Игорь Шквирин тепган тўп дарвоза тўрига тушди — 1:0. Иккинчи бўлимда ҳам тошкентликлар кетма-кет чиройли комбинациялар уюштириб, ғалабани қўлга киритиш учун ҳаракат қилдилар. 61-минутда яна Игорь меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, мавсумдаги тўртинчи тўпини киритди. Шундан кейин иккала команда ҳам ҳисобни ўзгартириш учун ҳаракат қилди. Ўйин тугашига 4 минут қолганда «Металлург» футболчиси И. Наконечний «Пахтакор» дарвозасига ягона тўп киритишга муваффақ бўлди.

Қизиқарли ўтган бу ўйин 2:1 ҳисобида тошкентликлар фойдасига ҳал бўлди. Навбатдаги тур ўйинлари 26 апрель куни бўлиб ўтади. Шу куни футболчиларимиз Горький шаҳрида маҳаллий «Локомотив» командасига қарши майдонга тушадилар.

ТВ

22 АПРЕЛЬ — ЯКШАНБА

● УзТВ I

9.00 Ассалому алайкум. Мусиқий кўрсатув.

10.00 Мактаб ўқитувчилари учун. «Компьютер сабоқлари» (такрор.). 10.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар...». Тошкент Давлат маданият институтининг «Умид» ва Самарқанд Давлат дорилфунунининг «Эҳдос» командалари ўзаро куч синашадилар. 12.25 «Ленин ва Ўзбекистон». В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган кўрсатув. 13.05 «Қувноқ стартлар». Минск вилоятидаги 122-ўрта мактабнинг «Кулполье» ҳамда Самарқанд вилояти 16-ўрта мактабнинг «Зафар» командалари мусобақалашадилар. 14.20 «Алифбо сабоқлари». 14.55 Спорт программаси. 1. «Саломат бўлинг!». 2. Ушу.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Ўйла, изла, топ!». Ўқувчилар учун қизиқарли кўрсатув. 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Муносабат». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Бир томчи». Мультфильм. 20.00 «Ота-оналар университети». Лениннинг маърифат ва тарбия ҳақидаги буюк мероси. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Долзарб мавзу. 21.15 Телевизион новеллалар театри. И. Шамякин. «Нон». 22.00 «Ахборот». 22.20 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фаттоҳхон Мамадалиев куйлайди. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Борбаднинг 1400 йиллигига бағишланган мусиқий ахборот кўрсатуви. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 Бизнинг хазинамиздан. «Шарқ юлдузлари». Махасти ва Хаида. 12.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 7 ва 8-сериялар (рус тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Нима учун филлар?». Мультфильм. 18.20 «Она садоқати». Бадиий фильм (рус тилида). 19.50 «Таронаи Ватан». Ватан, партия ва Ленин ҳақида қўшиқлар. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Базми назму Навоий классиги». Адабий-мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ҳафта». Информацион кўрсатув. 22.30 «Базми назму Навоий классиги» адабий-мусиқий кўрсатувининг давоми. 23.20 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Мусиқий киоск». 12.30 Экологик программа. 14.00 «Куйнинг ажиб лаҳзалари ҳам». Концерт. 14.25 «Здоровье». 15.10 «Чарывна» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 15.30 «Қишлоқ янгиликлари». 16.45 «Тош гул». Бадиий фильм («Мосфильм»). 18.15 «Бир биографиядан парчалар». 19.10 В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига. «В. И. Ленин портретига чизгилар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. Учинчи фильм — «Совнарком ҳавоси» («Экран»). 20.30 Москва. «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Абадият ҳақида ўйлар. 21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан олиб кўрсатилади. 23.00 Л. Бетховен. 14 («Ойдин») сонатаси.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.50 СССР Давлат телерадиоси Катта симфоник оркестрининг концерти. 8.15 «Кяхта». Ҳужжатли фильм. 8.40 СССР Давлат телерадиоси рус қўшиқлари академик хорининг баянчилар квинтети чалади. 9.00 «Бахтлисан, Женька». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»). 10.20 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Ер киндиги» (Фрунзе шаҳри), «Лакрица» (Ашхобод). 11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.05 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Е. Учитель фильмлари. «Ленинград жасорати» («ЛСДФ»). 13.10 «Эртаклар ва саргузаштлар оламига саёҳат». Катталар ва болалар учун киноконцерт. 2-қисм. 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 17.35 «Вертикаль». «Иш вақтидан бўш пайтда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 18.05 «Бефайз якшанба». Бадиий фильм («Мосфильм»). 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 19.45 Аэробика бўйича Бутуниттифоқ турнири. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 «Трускавчанка» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р — 03180. Д. — 23151.